

Урганч Давлат университети Педагогика факультети «Мехнат таълими»
йўналишини битирувчиси Маширибов Жамшиднинг
«Мехнат таълими дарсларида укувчиларда касбий ахлокий меъёрларни
шакллантиришнинг узиға хос хусусиятлари»
мавзусидаги битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ


Олий таълимнинг давлат таълим стандарти ўқув фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талабларида «таълим ва тарбия жараёнининг мустақил фикрлайдиган, қарорлар қабул қилишга қодир, ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилганини таъминлаш лозимлигига» алоҳида аҳамият берилган. Албатта, ушбу қўйилган талаблар олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини юқори даражага кўтариш, ўқитишни янги методлар асосида амалга ошириш укувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларда меҳнат қўникмаларини шакллантириш, касбга бўлган қизиқишини такомиллаштириш, укувчиларни касбий қобилиятларини ақллантириш каби вазифаларини сифатли даражада бажарилишини тақозо этади.

Битирув малакавий ишда меҳнат таълими дарсида касбий ахлокий фазилатларни укувчиларга ургатилиши янги педагогик технологиялар асосида ишлаб чиқилган. Келтирилган маълумотлар ҳар томонлама таҳлил қилинган ва хулосалар умумлаштирилган, тажриба-синов ишлари амалга оширилган.

Ишда мавзуга оид барча маълумотлар умумлаштирилган ва таҳлил қилинган. Иш илмий услубий ва технологик жиҳатдан тула асослаб берилган. Унинг амалий аҳамияти ҳам қурсатилган.

Битирув малакавий ишни барча талаблар асосида ёзилган деб ҳисоблайман ва ziyounet тармоғига тавсия қиламан.

Такризчи:



п.ф.и. А.Худайбергенов



Урганч Давлат университети Педагогика факультети «Мехнат таълими»
йўналишини битирувчиси Маширибов Жамшиднинг
«Мехнат таълими дарсларида укувчиларда касбий ахлокий меъёрларни
шакллантиришнинг узига хос хусусиятлари»
мавзусидаги битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ


Олий таълимнинг давлат таълим стандарти ўқув фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талабларида «таълим ва тарбия жараёнининг мустақил фикрлайдиган, қарорлар қабул қилишга қодир, ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилганини таъминлаш лозимлигига» алоҳида аҳамият берилган. Албатта, ушбу қўйилган талаблар олий ўқув юртлирида таълим-тарбия жараёнини юқори даражага кўтариш, ўқитишни янги методлар асосида амалга ошириш укувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш, касбга бўлган қизиқишини такомиллаштириш, укувчиларни касбий қобилиятларини ақллантириш каби вазифаларини сифатли даражада бажарилишини тақозо этади.

Битирув малакавий ишда меҳнат таълими дарсида касбий ахлокий фазилатларни укувчиларга ургатилиши янги педагогик технологиялар асосида ишлаб чиқилган. Келтирилган маълумотлар ҳар томонлама таҳлил қилинган ва хулосалар умумлаштирилган, тажриба-синов ишлари амалга оширилган.

Ишда мавзуга оид барча маълумотлар умумлаштирилган ва таҳлил қилинган. Иш илмий услубий ва технологик жихатдан тула асослаб берилган. Унинг амалий аҳамияти ҳам курсатилган.

Битирув малакавий ишни барча талаблар асосида ёзилган деб ҳисоблайман ва ziynet тармоғига тавсия қиламан.

Такризчи:



ТАТУ Урганч филиали
қошидаги 1-академик
лицей директори
ф-м.ф.и.Ж.Болтаев

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

PEDAGOGIKA FAKULTETI

MEHNAT TA'LIMI KAFEDRASI

401-Mehnat ta'limi guruhi tolibi Mashiribov Jamshid Maqsudbekovichning


5112100- Mehnat ta'lim yo'nalishi bo'yicha

bakalavr darajasini olish uchun

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Mavzu: Mehnat ta'limi darslarida o'quvchilarda kasbiy ahloqiy
me'yorlarni shakllantirishning o'ziga xos xususiyatlari

Ilmiy rahbar:



N. Raximova

Urganch- 2016 yil

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

Pedagogika fakulteti

Mehnat ta'limi kafedrası

BITIRUV - MALAKAVIY ISHNI BAJARISH BO'YICHA

TOPSHIRIQLAR REJASI:

1. **Tolib Mashiribov Jamshid** Universitet rektorining 2015 yil 11 noyabr «204-T»-sonli buyrug'i bilan bitiruv-malakaviy ishni bajarish uchun "Xalq hunarmandchiligi mavzusini o'qitishda yangi pedagogik texnologiyalarni qo'llanilish metodikasi" mavzusi tasdiqlangan.
2. **Kafedra majlisining qaroriga binoan** kafedra o'qituvchisi N.Raximova bitiruv- malakaviy ishini bajarishga rahbar qilib tayinlangan.
3. **Bitiruv- malakaviy ishining tarkibiy tuzilmasi:** Bitiruv - malakaviy ish kirish, 2 ta bob, 5 ta qism, xulosa va foydalanilgan adabiyotlar ro'yxatidan iborat.
4. **Bitiruv-malakaviy ish uchun ma'lumotlar.** O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A. Karimov asarlaridan, O'zbekiston Respublikasida ta'limni rivojlantirishga oid xo'qumat qarorlari, farmonlari, Davlat dasturlari; mehnat ta'limi davlat standarti, mehnat ta'limi metodikasiga oid darslik, o'quv qo'llanmlari, mavzuga oid metodologik manbalar, uslubiy ko'rsatmalar mavzuga oid ilmiy maqola, risola, monografiyalardan, matbuot va internet materiallaridan olindi.
5. **Bitiruv malakaviy ishga** chizmalar, jadvallar,eksperiment materiallari ilova qilinadi.

BITIRUV-MALAKAVIY ISH BO'YICHA RAHBARINING MULOHAZALARI

Talibi: Mashirihov Jamshid

Bitiruv malakaviy ish mavzusi: "Mehnat ta'limi darslarida o'quvchilarda kasbiy axloqiy me'yorlarni shakllantirishning o'ziga xos xususiyatlari

Bitiruv malakaviy ish xajmi: kirish, 2 bob, 5 qism, xulosa, foydalangan adabiyotlar ro'yxatidan iborat.

Tushuntirish qismi: 80 sahifa

Ilovalar soni: -

Mavzuning dolzarbligi: Mexnat ta'limi darslarida o'quvchilarni o'qitish jarayonida kasbiy axloq me'yorlarini o'quvchilarda shakllantirish muhim vazifa hisoblanadi. O'qituvchi avvalo o'zi tarbiyalangan va axloq-odob me'yorlarini o'zida shakllantirgan bo'lishi va bu xislatlarni kelgusi avlodga etkazib berishi lozimdir. O'qituvchi umuminsoniy va milliy-axloqiy fazilatlarini o'zlashtirib olishi, tajribada qo'llashi, o'zining dunyoqarashi, mafkurasi va axloqiy tajribasi bilan taqqoslashi lozim. Fikrlash va xis etish, turmushda sinab ko'rish natijasida umuminsoniy va milliy-axlokiy sifatlar, qoidalar, normalar o'qituvchining o'z axloqiy fazilatiga, e'tiqodiga aylanadi. Bular muallimning dunyoqarashi, fikr va muloxazalari bilan ko'shilib, bozor iqtisodiyotiga asoslangan jamiyat qurish sharoitida uning o'rni va rolini belgilaydi.

O'qituvchi odobining normalari har bir muallimning shaxsiy fikriga, axlokiy fazilati va e'tiqodiga aylanishi lozim. Axloqiy e'tiqod va sifatlar o'qituvchining dars berish jarayonida, tarbiyaviy ishlarida, o'quvchilar, ota-onalar va boshqa kishilar bilan muomala, munosabatlarida, kundalik turmushda o'zining shaxsiy namunasi bilan axloqiy ta'sir o'tkazishida ko'zga tashlanadi. Pedagogik takt o'qituvchi axloqining amaliy ko'rinishlaridan biridir. Muallim xulqining natijalari

uning yoshlarga axloqiy ta'sirining samaradorligida, axloqiy tarbiya sohasida erishgan yutuqlarida namoyon bo'ladi.

O'qituvchi odobining asosiy sifatlari umuminsoniy va milliy-axloqiy fazilatlar, tushunchalariga mos keladi va ularni pedagogik faoliyat bilan bog'lik tarzda bir qadar oydinlashtiradi. Insonparvarlik, vatanparvarlik, milliy g'urur, baynalmilalchilik, adolat, yaxshilik qilish, burch, qadr-qimmat, mas'uliyat, vijdon, xalollik, rost-go'ylik, poklik, talabchanlik kabi axloqiy fazilatlar o'qituvchi odobida pedagogik faoliyati bilan bog'lik ravishda taxlil qilinadi. Bolalarga yaxshilik qilish, o'qituvchilik burchi, o'qituvchilik sha'ni, qadr-qimmat, o'qituvchilik mas'uliyati, o'qituvchilik vijdoni, talabchan, va adolatli bo'lish, o'qituvchining ma'naviy qiyofasi, xalolligi, pokligi, rostgo'yligi kabilar o'qituvchi axloqining muhim fazilatlarini hisoblanadi. Ularni chuqur va puxta o'zlashtirish bo'lajak o'qituvchi uchun katta amaliy ahamiyat kasb etadi.

Bitiruvchi umumkasbiy va maxsus tayyorgarligining tavsifi:
Mashiribov Jamshid barcha fanlarni to'la o'zlashtirib, ularni amaliyotga qo'llash ko'nikmasiga ega.

Bitiruvchi talabning mustaqil ishini bajarish layoqati, maxsus adabiyotlardan foydalanish qobiliyati va shaxsiy xususiyatlari a'lo.

Mashiribov Jamshid o'zi mustaqil ishlay oladi, mahsus adabiyotlardan foydalanish qobiliyatiga ega. O'zining mutaxassisligi bo'yicha mustaqil ishlashga layoqatli, yangilikka intiluvchi, tashabbuskor, o'z ustida muntazam ishlaydi. O'qituvchi va guruhdoshlariga yaxshi munosabatda bo'ladi, ishga mas'uliyat bilan yondashadi.

Bitiruv-malakaviy ishning ijobiy tomonlari. Ishda mehnat ta'limi darsida kasbiy ahloqiy fazilatlarini o'quvchilarga o'rgatilishi yangi pedagogik texnologiyalar asosida ishlab chiqilgan. Keltirilgan ma'lumotlar har tomonlama taxlil qilingan va xulosalar umumlashtirilgan, tajriba-sinov ishlari amalga oshirilgan.

Bitiruv- malakaviy ishga qo'yilgan talablarning bajarilishi haqida:

Ish to'la talabga javob beradi. Undagi ma'lumotlardan amaliyotda keng foydalanish mumkin.

Bitiruv- malakaviy ish rahbari:

07.05.12

U. Raximova



Urganch davlat universiteti

Pedagogika fakulteti

Mehnat ta'lim yo'nalishi bitkazuvchisi Mashiribov Jamshidning bitiruv-
malakaviy ishiga

TAQRIZ

Malakaviy ish mavzusi. : "Mehnat ta'limi darslarida o'quvchilarda kasbiy ahloqiy me'yorlarni shakllantirishning o'ziga xos xususiyatlari

Malakaviy ishning hajmi. 16331 so'zdan iborat

a) tushuntirish qismi varaqlar soni: 74 sahifadan iborat.

b) ilovalar soni: -

Bitiruv-malakaviy ish mavzusining dolzarbligi va berilgan topshiriqqa mosligi. Ishning mavzusi dolzarb, berilgan topshiriqqa mosdir.

Bitiruv-malakaviy ishning kirish qismida va ilova qilingan materiallarning tarkibi va bajarilish sifati. Ishning kirish qismida mavzuning dolzarbligi, ilmiy o'rganilganlik darajasi, metodologik asosi va muhim manbasi, maqsad va vazifalari, ob'ekti, predmeti, ilmiy farazi, amaliy ahamiyati, tarkibiy tuzilishi va xajmi o'z aksini topgan bo'lib, to'la talabga javob beradi.

Malakaviy ishda ilmiy manbalar. Fan-texnika innovasiya yutuqlari natijalaridan foydalanilganligi. Bitiruv-malakaviy ishda ilmiy adabiyotlardan, innovasion yutuqlar natijalardan, Prezident asarlaridan keng foydalanilgan.

Bitiruv-malakaviy ishning ilmiy-uslubiy va texnologik jihatdan asoslanganligi. Ishda mavzuga oid barcha ma'lumotlar umumlashtirilgan va tahlil qilingan. Ish ilmiy uslubiy va texnologik jihatdan to'la asoslab berilgan. Amaliy ahamiyati ham ko'rsatilgan.

Bitiruv- malakaviy ishning ijobiy tomonlari. Berilgan tavsiyalarni ishlab chiqarishda va ta'lim-tarbiya jarayonida foydalanish imkoniyatlari. Ishda mavzuning ijtimoiy-pedagogik va psixologik jihatlari jamiyat rivojlanishining zamonaviy tendentsiyalari, barkamol shaxs kamoloti masalalaridan kelib chiqqan xolda yoritib berilgan. Ishning materiallari va tavsiyalaridan ta'lim sohasida ijtimoiy-gumanitar fanlarni o'rganishda hamda ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarda muhim manba sifatida foydalanish mumkin.

Bitiruv malakaviy ishidagi kamchiliklar. Ishda ayrim texnik kamchiliklar va juz'iy ortografik xatolar mavjud. Ular ishning ahamiyatini pasaytirmaydi.



Taqrizchi:

Xonqa tumani 36-son maktab


Mehnat talimi o'qituvchisi

Do'shanov Otabek

Urganch davlat universiteti Pedagogika fakul'teti

Mehnat ta'limi kafedrası

5112100-Mehnat ta'lim yo'nalishi bakalavr



Tasdiqlayman

fakultet dekani

I.m.f.n.H.Madadov

2015 y.

BITIRUV- MALAKAVIY ISH BO'YICHA TOPSHIRIQ

Tolib Mashiribov Jamshid

1. Ishning mavzusi: "Mehnat ta'limi darslarida o'quvchilarda kasbiy ahloqiy me'yorlarni shakllantirishning o'ziga xos xususiyatlari"

UrDU rektorining 2015 yil 11 noyabrdagi «204-T»-sonli buyrug'i bilan tasdiqlangan.

2. Ishni topshirish muddati: "19" may 2016 y.

3. Mavzu bo'yicha dastlabki ma'lumotlar beruvchi adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida" gi Qonuni // O'quvchi ma'naviyatini shakllantirish / Tuzuvchilar: J. Fozilov, R. Sultonov, H. Saidov. - T.: "Ma'rifat-Madadkor", 2000. -19- b.

2. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi //O'quvchi ma'naviyatini shakllantirish / "Madadkor", 2000. - 55- b.

3. Karimov I. A. Barkamol avlod orzusi // Tuzuvchilar: Sh. Qurbanov, H. Saidov, R. Ahliddinov. - T.: " Sharq, 1999. - 148 b.

Мундарижа

Кириш

I-Боб. Касбий ахлоқнинг тарихий-фалсафий асослари.

I.1. Касбий ахлоқ ва унинг тарихий-фалсафий негизлари

I.2. Шарк ва Ғарб алломаларининг касбий педагогик ахлоқ ҳақидаги қарашлари

II-Боб. Мехнат таълими дарсларида уқувчиларда касбий ахлоқий меъёрларни шакллантиришнинг узига хос хусусиятлари

II.1. Касбий педагогик ахлоқни шакллантиришда тарбия ва уйин технологиялари имкониятлари.

II.2. Мехнат таълими дарсларида уқувчиларида касбий-ахлоқ меъёрларини шакллантиришга қаратилган уқув-тарбиявий ишлар мазмуни

II.3. Мехнат таълими дарсларида уқувчиларида касбий ахлоқни шакллантиришнинг узига хос хусусиятлари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар то'ухати

Кириш

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб ўқитувчилик касбининг аҳамияти ва нуфузини юқори кўтариш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда, педагогларнинг моддий турмуш шароитини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдорлари бир неча марта оширилди. Ўқитувчиларга алоҳида устама ҳақлар жорий этилиши ва таълим стандартлари талабларига мувофиқ педагогларнинг иш юklamалари мақбуллаштирилгани, шунингдек 2005 йил 25 ноябрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ўқитувчиларнинг масъулиятли меҳнати ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳамиша давлатнинг диққат марказида туришини яна бир бор исботлаб берди.

И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг - ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон келажаги буюк давлат” асарларидаги умуминсоний кадриятларни тиклаш ҳақидаги мулоҳазаларида таълим-тарбия масалаларини фаолликка асосланган тамойилларга таяниб ташкил этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни янгиликларни тез қабул қилишга ундаш, истиқлол яратган кенг имкониятлардан фойдаланиб, фаолиятимизнинг ҳамма соҳаларида юксак натижаларга эришиш ҳақида гап боради.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик барча ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, тинмай изланиш олиб бориши ҳамда ўқув жараёнини замон талаблари даражасида илмий асосда ташкил этишлари учун зарурий шароитларни яратиб бериши билан бир каторда, халқ таълими соҳасига ёш мутахассислар келиб қўшилишига имконият яратмоқда, бу эса ўз навбатида, мактаб раҳбарлари олдида янада янги вазифалар қўяди.

Маълумки, инсон ҳар доим ўсишда ва ривожланишдадир. Шундай экан, инсон камолотига таъсир этувчи омилларнинг илмий-назарий

моҳиятини барча педагогик жамоа раҳбарлари тўғри тушунишлари лозим. Ҳар бир ёш педагог ўз фаолиятини турли хил шароитларда ва янги жамоа ташкилотчилари бўлган инсонлар таъсирида бошлайди. Ёш педагогнинг келажагига таълим муассасасидаги бугунги шароит, жамият учун фойдали ва зарур мақсадларни амалга оширишда шахс ривожига ва шаклланишига кучли таъсир қиладиган одамлар гуруҳи бўлган педагогик жамоадаги руҳий муҳит ўз ҳукмини ўтказди. Жамоа жамиятнинг бир бўлаги сифатида унинг барча хусусиятларини қамраб олади. Ғоявий, сиёсий, иқтисодий, ахлоқий-маънавий ва бошқа жабҳалар шулар жумласидандир. Бугунги кунда ихтиёрий педагогик жамоани маълум бир сайлаб қўйилган ёки тайинланган раҳбар бошқаради.

Раҳбарлик — одамларга мақсадли таъсир ўтказишга қаратилган, уларнинг хулқини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган бошқарувнинг таркибий қисмидир. Шундай қилиб, “бошқарув” тушунчаси “раҳбарлик” тушунчасига қараганда анча кенг тушунчадир. Раҳбар бошқарув фаолиятида қатор функцияларни бажаради: педагогик жамоанинг илмий — педагогик фаолияти мақсадларини аниқлайди ва шакллантиради, шу фаолиятни режалаштиради, рағбатлантириш воситаларини ва усулларини белгилайди, уни назорат қилишни амалга оширади ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам раҳбар ёш педагогни ўзи танлаган касбга меҳр қўйишига, ўқитувчилик касбининг сирларини мукамал ўрганишига ва унда ўз келажагига нисбатан ишонч туйғулари ривожланишига кўп қиррали таъсир қилади дейишимиз мумкин. Ўз навбатида раҳбар жамоада ўз ўрнига эга бўлиб, у билими, муомаласи, илмий дунёқараши, педагогик ходимлар билан ўзаро муносабатлари, мақсадга интилиши, ижтимоий хулқ ва бошқаларда намуна бўлиши мумкин, бундан жамоанинг ҳар бир аъзоси ўзига хос таъсирланади. Раҳбар бошқарув фаолиятида ўзаро таъсирнинг икки йўналишини, ёш педагогнинг жамоага ва жамоанинг ёш педагогга таъсирини ва бу ўзаро таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиши зарур.

Ёш педагогнинг жамоага таъсири унинг обрўси, билими, дунёқараши, ўзи танлаган касбга қизиқиши ва қобилияти, ўз фанини пухта билиши,

ўқувчилар билан муносабати, ўз устида ишлаши, ташкилотчилик қобилияти, пешқадамлик қилиши ва ташаббускорлиги каби сифатларни намоён қилади. Унинг обрўси деганда жамоа ёш ўқитувчини мутахассис сифатида тан олиши, субъектив сифатларини жамоа фаолиятининг объектив талабларига мос келиши тушунилади. Бунда мутахассиснинг билим, кўникма ва малака ва тажрибаси, касб маҳорати уддабуронлиги, тадбиркорлиги, ижодкорлиги унинг бошқалардан кўра кўпроқ кўзга ташланишига ва обрў орттиришига сабаб бўлади.

Обрўга эга бўлган мутахассис шахслараро муносабатларда юқори мавқега эга бўлади, жамоада унинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ соладилар, ундан маслаҳат сўрайдилар, унинг нуқтаи назари билан ҳисоблашадилар. Аммо обрў орттиришда шахсий сифатларнинг ўзигина етарли бўлмай, бунга у ёки бу мутахассис ҳақидаги жамоатчилик фикри ҳам сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ёш мутахассиснинг жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмай иложи йўқ, бу эса жамоанинг ёш педагогга бўлган таъсиридир. Яъни, жамоа ёш педагогнинг айрим саъи - ҳаракатларини рад этиши, қабул қилмаслиги мумкин.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, жамоа билан ёш мутахассиснинг ўзаро таъсири икки хил, яъни ижобий ва салбий бўлиши мумкин, бунда раҳбарнинг роли яққол номоён бўлади. Ижобий таъсирни вужудга келтиришда раҳбар педагогик жамоа ва таълим муассасасининг манфатлари бир-бирига мос келишини истагани ҳолда, қўл остидаги ходимларнинг муваффақият ҳамда кайфиятлари билан қизиқиши, табассум билан муомала қилиши, ходимларнинг исмини ҳурмат билан айтиб мурожаат қилиши (ҳар кимга ўз номини бошлиқ оғзидан эшитиш ёқимли бўлишини эсда тутиши), мутахассисларга нисбатан диққат-эътиборли бўлиши, суҳбатдошини ўзи ҳақида гапиришга руҳлантириши, ошкора ахборот алмашишдан чўчимаслиги, ходимга унинг иш учун керакли эканлигини сездириши, ҳар бир ходимнинг камчиликларини қайд қилганда, албатта, унинг муваффақиятларини ҳам эътироф этиши, яъни раҳбарликнинг энг мақбул услубларини ўз фаолиятига татбиқ этиши зарур.

Жамоада турли дунёқараш ва маданиятга эга, феъл-атвори, ақлу заковати ҳар хил, ишга лаёқати алоҳида намоён бўладиган кишилар меҳнат қилади. Бу ҳол уларнинг меҳнати ва иш вазифасига бўлган муносабатида ҳам ифодаланади. Таълим муассасасига янги келган ёш педагоглар жамоадаги мутахассисларнинг фаолиятини, уларнинг ўз вазифасига бўлган муносабатини ва у ердаги шароитни тўла ўрганишгунга қадар турлича тасаввурга эга бўладилар. “Қуш инида кўрганини қилади” деганларидек, ёш мутахассис жамоадаги шароитни, ўша ерда мутахассисга қўйилаётган талабларни бажариш учун қай даражада билим, кўникма ва малакалар зарурлигини, кадрлар салоҳияти ва уларнинг ўз ишларига бўлган муносабатларини, раҳбарларнинг мавқеи ҳамда қўл остидагилар билан муносабатларини ўрганиб, таҳлил қилиб, хулоса чиқаргани ҳолда ўз устида ишлаши, изланиши, илғор тажрибага эга бўлган ўқитувчиларга эргашиб, фаол иш олиб бориши ёки аксинча, лоқайд бўлиб қолиши мумкин.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, кўпгина ёш педагоглар анча вақтгача таълим муассасаси шароитига психологик жиҳатдан мослашишга қийналадилар, айрим мослаша олмаганлари қобилиятли бўлишларига қарамай, педагогик фаолият билан шуғулланишдан воз кечиб, бошқа турли соҳаларда фаолият кўрсатмоқдалар. Бунинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Айрим таълим муассасаларида жамоанинг ёш педагоглар билан ўзаро таъсири салбий характерга эга бўлиб, раҳбар ва унинг қўл остидаги ходимлар ёш педагогга нисбатан тўғри муносабатда бўлмаслигида намоён бўлади. Ёш мутахассисларнинг изланиши, билими, ўз фанига бўлган қизиқиши туфайли жамоа ва ўқувчилар ўртасида тез обрў топаётганидан хурсанд бўлиш ва уни рағбатлантириш ўрнига ёшлигини рўқач қилиб, турли хил арзимас сабабларни баҳона қилиб йиғилишларда уялтириш, обрўсини тушириш учун қилинган ҳаракатлар уларнинг таълим муассасасидан кетиб қолишларига сабаб бўлади.

Яна бир сабаби, таълим муассасасига янги келган ёш мутахассис етарли тажриба, кўникма ва малакага эга бўлмаганлиги учун жамоага тез киришиб кетишга қийналади. Раҳбар ёки ўқитувчилар томонидан ўз вақтида

методик ёрдам кўрсатилмаслиги, унга берилган ўқув юкламаларининг камайтирилиши ёки олиб қўйилиши ҳамда берилиши зарур бўлган методик ёрдамлар ўрнига тез-тез берилган танбехлар ёш педагогнинг ўз фани бўйича етарли билимга эга бўлса-да, ўзи танлаган касбга нисбатан кўнгли совиб кетишига олиб келади. Ҳар бир ёш педагог маълум касбий ижодий имкониятлар потенциалига эга бўлиб, у ёки бу аниқ бир меҳнат жамоаси шароитида педагогик фаолиятини бошлайди. Шунинг учун ҳам раҳбарлар ҳар бир ходимнинг шахсий фазилати, касбий лаёқати, ишга муносабатини ҳисобга олиб турлича ёндашиши, жамоа билан ёш мутахассисларнинг ўзаро муносабатларини тўғри таҳлил қилгани ҳолда, ёш педагоглар билан ишлашнинг мукамал тузилган режасига эга бўлишлари ва шу режа асосида мунтазам фаолият олиб боришлари шарт. Буни бошқарувчилик принципи ҳам тақозо этади. Бир қатор тадқиқотларга асосланган ҳолда, раҳбарларнинг ёш педагоглар билан ишлаш режаларини тузишларида қуйидагиларни инобатга олишларини тавсия этамиз:

- олий ўқув юртларининг битирувчилари билан учрашувлар ташкил этиш;
- ёш мутахассисларнинг таълим муассасаси шароитига психологик мослашувини тезлаштириш учун семинар ва учрашувлар ташкил этиш;
- ўз мутахассисликлари бўйича ўқув юкламалари билан таъминлашга эришиш;
- йўналишлари бўйича илғор педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчиларга бириктириш;
- илмий-амалий конференция ва ўқув семинарларига мунтазам равишда иштирок этишларини назоратга олиш;
- ёш педагогларнинг олий ўқув юртлари ва малака ошириш институтларининг профессор-ўқитувчилари билан мунтазам алоқаларини йўлга қўйиш;
- уларнинг дарсларга тайёргарлиги ва дарс ўтиш методларини кузатиб, алоҳида таҳлил қилиб бориш;

- дарсларни илмий асосда ташкил этишлари учун дарс жараёнида зарур бўладиган техник воситалар билан таъминлаш;
- илмий-методик журнал ва газеталарда мақолалар билан иштирок этишларини назоратга олиш ва рағбатлантириб бориш;
- очик дарсларга мунтазам равишда жалб этиш;
- ўз устида ишлаши ва бошқа таълим муассасалари билан тажриба алмашинишлари учун шароитлар яратиш;
- фанлар бўйича олимпиадалар ва турли хил танловларда доимий иштирок этишларига эришиш;
- илмий-тадқиқот ишларига қизиқтириш, ижодий фаолият олиб боришлари учун зарурий шароитлар яратиб бериш;
- фанлар бўйича яратган янгиликларини оммалаштириш ва рағбатлантириб бориш.

Бугунги кунда таълим муассасаларидаги мутахассисларнинг салоҳияти мазкур муассаса раҳбарларининг рейтингини белгиловчи энг асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Шундай экан, билимли, етарли тажриба ва кўникмага эга бўлган, ўз фанини яхши биладиган, ижодкор ва ташкилотчи ёш педагогларни қўллаш, уларга етарли шароитлар яратиб бериш, илмий-педагогик фаолият билан шуғулланишлари учун яқиндан ёрдам бериш, уларни кўп йиллик илғор педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчиларга бириктириб қўйиш ва ҳамкорлик фаолиятларини “Устоз – шогирд” тамойиллари асосида ташкил этиш, унда ўзи танлаган касбга муҳаббат ва келажакка ишонч туйғуларини таркиб топтириш ушбу куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлган халқ таълими муассасаларини мутахассислар билан таъминлашда ўз самарасини беради.

Мавзунинг долзарблиги: Меҳнат таълими дарсларида укувчиларни уқитиш жараёнида касбий ахлоқ меъёрларини укувчиларда шакллантириш муҳим вазифа ҳисобланади. Уқитувчи аввало узи тарбияланган ва ахлоқ-одоб меъёрларини узида шакллантирган булиши ва бу хислатларни келгуси авлодга етказиб бериши лозимдир. Ўқитувчи умуминсоний ва миллий-

ахлокий фазилат-ларни ўзлаштириб олиши, тажрибада кўллаши, ўзининг дунёкараши, мафкураси ва ахлокий тажрибаси билан таккослаши лозим. Фикрлаш ва хис этиш, турмушда синаб кўриш натижасида умуминсоний ва миллий-ахлокий сифатлар, қоидалар, нормалар ўқитувчининг ўз ахлокий фазилатига, эътиқодига айланади. Булар муаллимнинг дунёкараши, фикр ва мулохазалари билан қўшилиб, бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш шароитида унинг ўрни ва ролини белгилайди.

Ўқитувчи одобининг нормалари ҳар бир муаллимнинг шахсий фикрига, ахлокий фазилати ва эътиқодига айланиши лозим. Ахлокий эътиқод ва сифатлар ўқитувчининг дарс бериш жараёнида, тарбиявий ишларида, ўқувчилар, ота-оналар ва бошқа кишилар билан муомала, муноса-батларида, қўндалик турмушда ўзининг шахсий намунаси билан ахлокий таъсир ўтказишида кўзга ташланади. Педагогик такт ўқитувчи ахлоқининг амалий қўринишларидан биридир. Муаллим ҳулкининг натижалари унинг ёшларга ахлокий таъсирининг самарадорлигида, ахлокий тарбия соҳасида эришган ютуқларида намоён бўлади.

Ўқитувчи одобининг асосий сифатлари умуминсоний ва миллий-ахлокий фазилатлар, тушунчаларига мос келади ва уларни педагогик фаолият билан боғлиқ тарзда бир қадар ойдинлаштиради. Инсонпарварлик, ватанпарварлик, мил-лий гурур, байналмилалчилик, адолат, яхшилик қилиш, бурч, кадр-қиммат, масъулият, виждон, ҳалоллик, рост-гўйлик, поклик, талабчанлик каби ахлокий фазилатлар ўқитувчи одобда педагогик фаолияти билан боғлиқ ра-вишда таҳлил қилинади. Болаларга яхшилик қилиш, ўқитувчилик бурчи, ўқитувчилик шаъни, кадр-қиммати, ўқитувчилик масъулияти, ўқитувчилик виждони, талабчан, ва адолатли бўлиш, ўқитувчининг маънавий қиёфаси, ҳалол-лиги, поклиги, ростгўйлиги қабилар ўқитувчи ахлоқининг муҳим фазилатлари ҳисобланади. Уларни чуқур ва пухта ўзлаштириш бўлажак ўқитувчи учун қатта амалий аҳами-ят касб этади.

Тадқиқотни мақсади: Меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларни талабаларини касбий-ахлокий меъёрлар бўйича тарбиялаш жараёни

такомиллаштиришга қаратилган педагогик услуб,восита ва шакллари тадқиқ қилиш.

Ўзбекистоннинг мустакил давлат сифатида раванг топишига ишонадиган, ва-танпарвар, фуқаролик бурчини англаган; ихтисосга доир билим, кўникмаларни, ижтимоий-гуманитар, умумназарий фанларни, психолого-педагогик, методик билим ва кўникмаларни мукаммал эгаллаган; ўқитувчилик касбини ва болаларни яхши кўрадиган, инсонпарвар, талабчан, адолатли, педагогик одобли; эркин ва ижодий фикрлай оладиган, ҳар бир ўқувчиси улғайиб яхши одам бўлишига ишонадиган, уларни баркамол шахс, ишбилармон бўлиб етиштиришга кўмаклаша оладиган кадрларни етиштиришга кўмаклашиш;

Тадқиқот вазифалари:

- Умумий урта таълим тизимидаги ўқувчиларда касбий-ахлоқий меъёрларни шакллантириш жараёнининг назарий,фалсафий,педагогик ва психологик жиҳатларини урганиш;
- одоб ва ахлоққа оид адабиёт ва манбаларни таҳлил қилиш ва батафсил урганиш;
- ўқувчиларда одоб ахлоқни шакллантириш,педагогик услублар орқали урганиш ва умумлаштириш;
- Педагогик тажриба ва синов утқизиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш асосида услубий тавсиялар ва курсатмалар ишлаб чиқиш;

Тадқиқотни предмети: Умумтаълим мактаблари ўқув-тарбиявий жараёни.

Тадқиқот объекти: Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг одоб-ахлоқ бўйича тарбия жараёни.

Тадқиқотнинг илмий фарази: -шундан иборатки, агар умумтаълим мактабларида ахлоқ-одоб тарбия жараёнини педагогик мақсадларга мувофиқ ташкил қилиниб,талабаларнинг эстетик тушунча ва тасаввурлари,эстетик дид ва баҳо бериш қобилияти ривожлантирилса ,маънавий ва маърифий тадбирларнинг узвийлиги таъминланса, тадбирлар режасига мувофиқ ахлоқий тушунчалар сингдириб борилса,касб тушунчаси унинг узига хос

жихатлари буйича «Касблар фестивали» ташкил килинса, турли касб эгалари билан учрашувлар ташкил килиниб борилса бутун укув тарбиявий жараёнинг самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

Тадкикотнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президент И.А.Каримовнинг асарлари, «Кадрлар тайёрлаш» миллий дастурининг асосий тамоил ва ёндашувлари, «Таълим тугрисидаги» Қонун ҳамда таълим соҳасини ривожлантиришга оид бошқа Давлат ҳужжатлари, Шарқ ва Ғарб мутафаккирларинг фалсафий ва педагогик таълимотлари, замонавий педагогик услубий концепциялар ташкил қилади.

Битирув малакавий иш устида ишлаш жараёнида қуйидаги илмий-тадқиқот методларидан фойдаланилди.

- Қузатиш;
- Укув тарбиявий жараёнига оид ҳужжатларини урганиш ва таҳлил қилиш;
- Укув ишлари ва маънавий маърифий ишларнинг ижодий фаолитини натижаларини урганиш;
- Сухбат;
- Анкета тарқатиш ва суровнома утқизиш;

I-БОБ. Касбий ахлоқнинг тарихий-фалсафий негизлари.

I.1.Касбий ахлоқ ва унинг тарихий фалсафий негизлари.

Ахлоқ ижтимоий онг шаклларида бири сифатида инсон турмушининг барча соҳаларида кишининг ҳулки, ҳатти-ҳаракатларини тартибга солиб, бошқариб турувчи қоидалар, тамойиллар, йўл-йўриқлар, меъонлар, нормалар, панд-насихатлар мажмуидан иборат. Ахлоқ умуминсоний ва миллий характерга эга бўлиб, кишиларнинг тарихан қарор топган ва ҳар бир одам эгаллаши лозим бўлган ахлоқий идеаллари, орзу-умидлари тўғрисидаги тасаввурлар, тушунчалар, билимлар, қарашларни ўз ичига олади. Одоб деганда расм-таомил, ҳулки-одатлар, ижтимоий-иқтисодий тузум тақозоси

туфайли одамлар ўртасида лайдо бўлган муомала-муносабатларнинг хусусиятлари тушунилади. Одоб кишиларнинг амалий хатти-ҳаракатлари, муомала-муносабатлари деб ҳам каралади. Ахлоқ эса мазкур расм-таомил, хулк-одатларнинг бир қадар умумлашган шакли бўлиб, уларни панд-насихатлар, қоидалар, нормалар, талаблар шаклида ифодаб берилганидир. Этика деганда ахлоқ ҳақидаги фан, назариялар тушунилади.

Умуминсоний ахлоқ деганда турли даврларда барча халқларда кишиларнинг турмуши, ҳаёт тарзида шаклланиб, инсонларнинг ўзаро муомала-муносабатларини тартибга солиб турувчи умумий тушунчалар, нормалар ва талаблар, умумий ахлоқий сифатлар тушунилади. Миллий ахлоқ эса умуминсоний ахлоққа хос асосий хусусиятларни сақлаган ҳолда айни миллат ва элат кишилари-гагина хос бўлган айрим ахлоқий хусусиятларни ҳам ўзида мужассамлантиради.

Кишиларга яхшилик қилиш, рост гапириш, ботирлик, қамтарлик, ҳалоллик, меҳрибонлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби ахлоқий фазилатларни ҳамма халқлар доимо эъзозлаганлар. Алдаш, кўрқоклик, шафқатсизлик, ўғирлик қилиш қабиларни ҳамма вақт, ҳамма одамлар қоралаганлар, ахлоқсизлик, одобсизлик деб ҳисоблаганлар. Бундай ахлоқий қарашлар барча халқлар, миллатларга хосдир. Шу билан бирга ҳар бир миллатнинг ўзигагина кўпроқ хос бўлган ахлоқий қарашлари, ахлоқий тушунчалари, ахлоқий фазилатлари ҳам мавжуд.

Инсон меҳнати ва фаолиятининг маълум бир соҳаси билан шугулланувчи кишиларга тааллуқли ахлоқий нормалар, талаблар ҳам бор. Бундай ахлоқ қасб ахлоқи дейилади. Ҳар бир жамиятда мавжуд ахлоқ қасб ахлоқи билан маълум бир муносабатда бўлади. Бу умумийлик билан хусусийлик ўртасидаги муносабатдир. Қасб ахлоқи умуминсоний ахлоқ назариясининг қоидаларини, тамойиллари ва тушунчаларини, афзалликлари ва қамчиликларини ўзида мужассамлантиради, ойдинлаштиради ва ривожлантиради. Бундан ташқари, қасб ахлоқи фақат шу соҳа кишилари учун хос бўлган айрим одоб, ахлоқ нормалари ва қоидаларини ҳам ичига олади.

Айрим касблар — ўқитувчи, ҳаким (врач), тижоратчи, ҳуқуқшунос, артист, раҳбар ходимлар учун инсон — меҳнат объекти ҳисобланади. Бу касбларда меҳнат объектининг шахсининг тақдири кўп жihatдан шу касб эгасининг ахлокий фаолиятига боғлиқ. Бундай касб эгаларидан фаолият объекти бўлган одамлар билан ўзаро муомала-муносабатларини тартибга солувчи ахлокий нормаларга катъий амал қилиш талаб этилади. Бу эса шу касб эгаларининг ахлокий масъулиятини оширади.

Муаллимлик ана шундай касблардан бўлгани учун ўқитувчи одоби касб ахлокининг бошқа турларидан фарқ қилади, бу — педагогик фаолиятнинг ахлокий характери ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатимиз фуқароларига илм олиш ҳуқуқини ва бунинг учун зарур шароитлар яратишни кафолатлайди. Давлатимиз ўз сиёсатини изчил амалга оширмоқда. Коллежлардаги таълим-тарбия ишларининг барчаси ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга йўналтирилган. Таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги, тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни ҳурматлаш Ўзбекистонда таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан ҳисобланади. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида» ги қонун (1997) да педагогик фаолият билан шугулланиш учун «тегишли маълумот, касб тайёргарлиги билан бир қаторда **юксак ахлокий фазилатларга** эга бўлиш» талаб этилади.

Шунинг учун ҳам педагогик ходимлар ўзларининг касб-кор шаъни ва кадр-қимматларини ҳимоя қилишлари; одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишлари; бола, ўқувчи ва талаба шахсининг кадр-қимматини ҳурматлашлари, уларни меҳнатга, қонунларга, ота-оналар ва хотин-қизларга, маънавий, тарихий, маданий-миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, атроф муҳитга эҳти-ёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашлари; ўзларининг бутун фаолиятлари ва шахсий намуналари билан умуминсоний ахлоқ қоидаларига; ҳақиқат, адолат, ватанпарварлик, инсонпарварлик, яхшилик ва бошқа ҳислатларга нисбатан ҳурматни қарор топтиришлари; ўсиб-улгайиб келаётган авлодни бир-бирини тушуниш,

халклар ўртасида, шунингдек, барча элатлар, миллатлар ва диний гуруҳдар ўртасида тинчлик, ахил-иноклик руҳида тарбиялашлари лозим.

Кўхна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, хислатларни кўпайтириб, ёмонлардан ҳалос бўлишга чорлаган. Ҳар бир инсонга, оила, жамоа, халққа раҳнамо бўлган. Уни огир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват ўз навбатида одамларга қуч-қувват бағишлаган, иродасини мустаҳкамлаган, бир-бирига меҳр-окибатини оширган.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида йигит қизларимиз илм-маърифатли, диёнатли, юксак ахлокли бўлишлари билан бирга, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштириб олишлари лозим. Ёшларимиз исломий кадриятлар билан бир қаторда қоинот сиру асрорларигача бўлган дунёвий билимларни ҳам муқаммал ўзлаштиришлари зарур. Муаллим бутун ўқитиш жараёнида, шунингдек, аввало, ўзи дарс бераётган фаннинг мазмунига умуминсоний ва миллий-ахлоқий тарбия вазифаларини сингдириш йўли билан ўқувчиларга мунтазам тарбиявий таъсир ўтказди. Ўзбекистон Давлати фуқаросининг маънавий қиёфасини белгиловчи фазилатлар ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий гурур, меҳнатсеварлик, байналмилалчилик қабилар мактаб ва ўқитувчининг қоол иштироки ва, таъсири остида шаклланади.

Ўқитувчининг мақсади бўлажак педагогларни қасб ахлоқига доир билимлар билан қуроллантириш, педагогик маҳорат, ахлоқий қўникма ва малақаларни эгаллаб олиш, амалий қоолиятда ўқитувчининг обрўйини оширишга қўмақлашишдан иборат.

Педагогик ахлоқнинг пайдо бўлиши инсоният тарихининг энг қадим қамонларига қориб тақалади. У ўқитувчилик қасби билан бирга тарбиячилик қоолиятининг тарқибий қисми сифатида вужудга қелган. Маълумки, умумий таълим мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув қуртларида ёшларга таълим-тарбия қерувчи муқахассисни ўқитувчи, муаллим, педагог, устоз, муқаррис, домла деб қуритилади. Ўқитувчилик энг қадимий қасблардан ҳисоб-ланади.

Ўқитувчилик касбининг, у билан бирга педагогик ахлоқнинг вужудга келиши ҳам кишилик жамияти тарихида тарбиянинг пайдо бўлиши, яъни инсонлар тўплаган юриш-туриш, хатти-харакатлар, меҳнат соҳасидаги дастлабки тажрибаларни, урф-одатларни, аклий, ахлокий, илохий билимларни ёшларга ўргатиш; ёзув ихтиро килинган, ўқиш, ёзишни ўргатиш учун ташкил этилган дастлабки мактабларнинг пайдо бўлиши билан узвий боглик.

Одамлар тўплаган турмуш тажрибасини ёшларга ўргатиш, уларни ҳаётга, меҳнат фаолиятига тайёрлаш эҳтиёжи натижасида қадим замонлардаёқ таълим ва тарбия мустақил ижтимоий фаолият сифатида пайдо бўлди.

Материалистик таълимотга кўра, ибтидоий тузум даврида тарбия меҳнат жараёнида вужудга келган, жамоада амалга оширилган, ёшларга меҳнат кўникмалари, жамоанинг урф-одатлари, маросимларини бажариш ўргатилган. Ибтидоий жамоа тузумининг уруғчилик босқичида тарбия ижтимоий вазифа сифатида ажралиб чиққан, яъни кекса ёшдаги кишилар болаларни тарбиялаш иши билан шугулланган. Болаларнинг танасини чиниктириш, чидамлилиikka ўргатиш, ҳарбий-жисмоний машқларни бажартиришга кўпроқ эътибор берилган. Ибтидоий жамоа тузу-мининг емирилиш даврида бола тарбияси оилада амалга оширилади. Айрим кишилар тажриба натижасида дехкончилик, чорвачилик, табибчилик, касб-хунар соҳаларида тўплаган аклий, ахлокий билимларни ўз болаларига, яқин кишилари ва ҳукмдорларнинг болаларига ўргата бошлайдилар.

Илохий таълимотга кўра, тарбия, бу — ўзлигини англаш, ўз-ўзини бошқариш, теварак-атрофдаги оламни билиб олиш, ер юзида ва жаннатда яшаш учун ҳозирлик кўриш, Тангри даргоҳига интилишдан иборат. Динлар пайдо бўлган, диний тарбия кутлуг китоблардаги гоёлар асосида ота-оналар ёки махсус тайёрланган кишилар томонидан амалга оширилган.

Машҳур чех педагоги Ян Амос Коменский «Буюк дидактика» асарида кўрсатишича, қадим замонларда ота-оналар, одатда, ўз болаларини оилада ўзлари тарбиялаганлар. Лекин ота-оналар ҳар хил бўлади: болага таълим, тарбия бериш бир хилининг кўлидан келса, бир хилининг кўлидан келмайди

бола тарбияси учун баъзиларнинг вакти бўлса, баъзиларнинг вакти бўлмайди. Шу сабабдан, кўп оилалар ўз болаларини билимли, огир табиатли махсус кишиларга бериб ўқитганлар. Ёшларга таълим-тарбия бе-рувчи бундай кишиларни педагог, профессор деб, болаларни тўплаб ўқитиладиган жойни — мактаб, гимназия, академия, университет деб атаганлар. Унинг фикрича, энг кадимги мактаблар Шарк мамлакатларида, жумладан, Холдей, Вавильон, Мисрда, Исроил шаҳарларида очилган. Мактаб очишни мисрликлардан греклар, греклардан римликлар ўрганиб олганлар.

Бизнинг ота-боболаримиз — туркий халклар кадим за-монлардан бери Ўрта Осиёда Турон заминда яшаб келадилар. Бойсун тоғидаги Тешиктош горидан, Фаргона водийсидаги Селунгур горидан топилган ёдгорликлар (одамнинг суяк колдиклари) бу ерларда энг кадимги одамлар бундан юз минг йил ва бир миллион йиллар аввал яшаганидан далолат беради. Ўрта Осиёда эраמידан аввалги минг йилликда кам катта-катта кўргонлар, шаҳарлар, давлатлар мавжуд бўлган. Уларда маданият элементлари, дин, ёзув, мактаблар вужудга келган. Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Зараутсой горида сақланган суратлар ҳам бундан далолат беради.

Туркий халклар кадим замонлардаёқ ўз ёзувига эга бўлган. Ота-боболаримиз ўтмишда уйгур, руник ёзувларидан, шунингдек, сугд, хоразм ёзувларидан фойдаланишган. Араблар истилосидан сўнг араб алифбоси қабул қилинган. Араб ёзувига асосланган ўзбек алифбосига минг йилдан кўпроқ муддатда амал қилинди. Ўзбекистонда 1929 йилда лотин, 1939 йилда рус алифбосига ўтилди. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтиш ҳақида қарор чиқарди.

Кадимги Турон заминда яшаган халқлар сугорма дехкончилик билан машғул бўлганлар. Одамлар табиат ҳодисаларини кузатиб борганлар, олам сирлари ҳақида пайгамбарларга гойиб илми ҳам келиб турган. Айрим кишилар қаромат кўрсатиб, бўлажак воқеаларни олдиндан айтиб билганлар. Дунёвий илмлардан астрономия, геометрия, арифметика, тиббиёт тараккий этган.

Илм олиш — нина билан кудук казиш, деб бежиз айтилмаган. Мутафаккир олимлар ўқитишнинг энгилрок усуллари топиш устида бош котирганлар. Шарк мамлакатларида кадимда яратилган айрим кўлёзма асарларда тарбиянинг мақсади, ўқитувчи қандай бўлиши ҳақида, шунингдек, илм олувчининг маънавий кифофи, хислатлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар баён этилган, маслаҳатлар берилган.

Ўзбек халқ педагогикасининг шахс ва жамият учун фойдали, илгор, ахлокий гоёлари оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб, фольклор асарлари, миллий, оилавий урф-одатлар, анъаналар сифатида бизгача етиб келган.

Ўзбек халқ педагогикаси асарларида мураббий, устоз энг ҳурматли, мўътабар инсон сифатида улуғланади. «Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл» «Устоз — отадек улуг». «Ота-она болани дунёга келтиради, устоз эса уни юксакликка, маънавий камолотга етказди», каби ҳикматларда мураббий, устозларнинг меҳнати, кадр-қиммати улуғланган.

«Ақл қўпга етказар, ҳунар — қўққа», «Устозсиз шогирд — жонсиз кесак», «Устоз қўрмаган шогирд — ҳар мақомга йўргалар» каби мақолларнинг аҳамияти катта бўлган.

Ота-оналар ўз болаларини ақлли, одобли, гўзал фазилатли инсон бўлиб камол топишини орзу қилишган. Бундай орзу-истаклар Абулқосим Фирдавсийнинг «Шохнома» асарида қуйидагича тасвирланади:

Ақл йўл кўрсатиб, дилни этар шод,

Ҳар икки оламда ақлли обод.

Ҳамиша ақлингни раҳнамо этгил,

Нолойик ишлардан олисроқ кетгил.

Ҳикоят. Нақл қилишларича, подшо ўз аъёнлари билан овдан қайтаётганида йўлда келатган бир болани кўриб қолади. Отидан тушиб, болага салом беради. Вазир бундан таажжубланиб, «Шоҳим, нега бундай қилдингиз?» — деганда у: «Бу устозимнинг набираси. Устозга ҳурматим туфайли унга салом бердим» — деган экан. Бу нақлда халқимизнинг устозга, муаллимга бўлган ҳурмат-эҳтироми ифодаланган. «Ҳар қимқи ҳаётдан

олмаса таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим», «Хаёт устоз, халк— муаллим» каби ҳикматлар жуда ўринли айтилган.

Зардуштийлик таълимотининг муқаддас китоби — «Авесто» да Якин ва Ўрта Шарк халқларининг диний, ахлокий, тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган. Бу таълимотнинг асосчиси Спитама Зарадуштра эрамиздан олдинги олтинчи асрда яшаган. Кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрича, зардуштийлик дехкончилик ва чорвачилик билан шугулланадиган халқлар дини бўлиб, Хоразм ва Сўғдиёнада шаклланган, кейинчалик Эрон подшолигининг расмий динига айланган. Ўша даврларда оташпарастлик Эрону Турон заминда кенг ёйилган. Еттинчи асрга келиб Ўрта Осиё араблар томонидан фатҳ этилади ва зардуштийликнинг таъсири анча камаяди.

«Авесто»нинг педагогик қиммати шундаки, у кўп асрлар давомида ёшларга илму маърифатни ўргатиш, ахлоқ-одоб фазилатларини тарбиялашда дастуруламал вазифасини бажарган. «Хар бир кишини шундай тарбиялаш зарурки, — дейилади «Авесто»да, — у аввало яхши ўқишни ва сўнгра ёзишни ўрганиб, энг юксак поғонага кўтарилсин»

«Авесто»дан эзгулик ва яхшилик маъбудасига мададкор қучларни улугловчи дуоларни айтишган: «Мен зардуштийлик динига содик бўлишга ваъда бераман, мен яхши фикрлар, яхши сўзлар, яхши ишларга ишонаман...» Бундай машгулотлар бир кунда беш марта такрорланган. Ундан мақсад болалар қалбида дунёдаги барча яхшилик ва эзгуликларнинг бунёдкори илохий Ахура Маздага эътиқодни мустаҳкамлаш; инсонлар бошига ёвузлик ва ёмонликлар олиб келадиган Анхура Манудан эса нафратланиш ҳиссини тарбиялашдан иборат бўлган.

Бу даврда уламо-қоҳинлар болаларга сабоқ берганлар. Улар жамият маънавий ҳаётида муҳим мавқега эга эдилар. Мактабда кичик ёшдаги болаларни ўқитиш жараёнида кўрсатмали қуроллардан, ҳикоя қилиш ва суҳбат усулларида кенг фойдаланиларди. Дарсда ўқувчилардан ўтган мавзунини шовқинсиз такрорлаш талаб қилинар эди. Болаларда ёшлиқдан меҳнатсеварлик ва касб-хунар кўникмасини шакллантиришга эътибор

берилган. Улар ёш пайтиданок кўчат ўткизиш, уй-рўзгор буюмлари яшаш, ерга ишлов бериш, мол боқишга ўргатилган.

Хуллас, зардуштийлик таълимоти Ўрта Осиё халклари тарихида исломгача даврда қарийб бир ярим — икки минг йил мобайнида умуминсоний ва миллий-ахлокий қадриятлар қарор топишида, шунингдек, тарбияшунослик, ўқитувчи одобининг назарияси ва амалиёти шаклланишида муҳим тарихий манбалардан бири бўлган.

1.2 Шарқ ва Ғарб алломаларининг касбий-педагогик ахлоқ ҳақидаги қарашлари

Эрамиздан олдинги олтинчи асрдан милодий бешинчи асргача ўтган даврда Юнонистондаги кулдорлик давлатлари ва Рим империясида бир қадар демократик тартиблар, республика бошқаруви ўрнатилди. Бу ерда ўзига ҳос таълим-тарбия тизимлари ва педагогик таълимотлар яратилди. Юнонистонлик олимлар Демокрит, Сукрот, Афлотун, Арасту, шунингдек машҳур Рим педагоги Квинтилианлар ўз асарларида таълим-тарбия, ўқитувчи ахлокига доир педагогик назариялар яратдилар.

Масалан, Демокрит тарбиянинг табиатга мослиги гоёсини ўртага қўйган. Ўқитиш жараёнида болаларнинг кизикувчанлигини ҳисобга олиш зарурлигини уқтирган. Таълимнинг киши табиатини ўзгартирувчи қудратли қуч эканлигини, ўқитишда мажбурлаш усулидан қўра, ишонтириш усулидан фойдаланиш афзаллигини, салбий намуналарнинг зарурлигини таъкидлаган эди. У тарбияда меҳнатнинг роли муҳимлигини кўрсатиб педагоглар, ота-оналар болада яхши ҳулқ ҳосил қилиш учун уларга фойдали хатти-ҳаракатларни қўпроқ машқ қилдиришлари лозим, деган эди.

Афлотун бода тарбиячига итоат килиши зарурлиги тўғрисидаги гояни илгари суради. У болани муттасил назорат килиб бориш; унинг яхши хулки, итоаткорлигини рағбатлантириш, итоатсизлик килса кўрkitиш ва уриб бўлса ҳам тўғри йўлга солиш лозимлигини таъкидлайди. «Агар педагог ёки ота-она, — деган эди у — болага: мана бу — адолатли, бу эса — адолатсиз, бу ишни килиш яхши, бу эса — уят, бу нарса — мукаддас, бу эса — нопоклик; бу ишни килиш керак, буни килмаслик лозим, деб айтмаса ва тушунтириб бермаса болани тарбиялай олмайди».

Арастунинг «Искандарга насихати» (қаранг: «Ўзбек педагогикаси антологияси». Тошкент, «Ўқитувчи», 1995, 39— 46- бетлар)да баён этилган педагогик гоялар ёшларни ахлокий тарбиялаш нуқтаи назардан ҳамон ўз кимматини йўқотмаган. Шунингдек, Арастунинг «Афина сиёсати» асарида тасвирланган (қаранг: Писаринко В. И., Писаринко И. Я. Педагогическая этика. Минск, 1977, 10— 11-бетлар) афиналикларнинг ўқитувчиларни сайлаш таомили ҳам одоби хусусида диққатга сазовордир. Негаки, сайлаб кўйиш таомили ўқитувчи-тарбиячилар зиммасига катта мажбуриятлар юклаган. Бу таомил Афина давлатида педагогик ишининг оммавийлигини, унга алоҳида эътибор берилганини кўрсатади. Ўқитувчи унга давлатнинг келажаги ёшларни тарбиялашдек улуг вазифа ишониб топширилганидан фахрланган. Давлат ва тарбияланувчилар билан ўқитувчи ўртасидаги муомала муносабатларини тартибга солувчи қоидаларига амал килиш талаб этилган.

Рим педагогларидан энг машхури — Марк, Фабий, Квинтилиан «Нотикни тарбиялаш тўғрисида» номли асарида педагогик муаммоларни, ўқитувчи одобига доир масалаларни баён этади. Квинтилиан ўз замонидаги Грек ва Рим педагогик гояларини яхши ўрганиб, нотикдар мактабида кўп йиллар ўқитувчилик килиб орттирган тажрибасини умумлаштиради. Унинг фикрича, бола мактабда таълим-тарбия олиши лозим. Ўқитувчи ўзи тарбиялаётган ҳар бир болага эҳтиёткорлик билан муомала килиши керак. Ўқитувчикинг ўзи ўқимишли бўлиши, болаларни севиши, ўзини яхши тута билиши, болаларни бўлар-бўлмасга мактайвермаслиги ёки

жазолайвермаслиги даркор. Юкори тоифадаги ўқитувчи аввало, бошлангич мактабда муаллимлик қилиши мақсадга мувофиқ. Муаллим ва тарбиячиларнинг талаффузи яхши бўлиши керак.

Ўқитувчи одобининг моҳияти қакида гап борар экан, қадимги Юнонистон ва Рим педагогларининг юқорида келтирилган гоёларини тилга олиш ўринли деб ҳисоблаймиз. Чунки, Ўрта Осиёда яшаган мутафаккирлар Хиндистон, Хитой қаби шарқ мамлакатлари маданияти, илм-фани, тарбияшунослиги билан бир қаторда қадимги Юнонистон, Рим маданияти, фалсафаси, педагогикасига ҳам эътибор берганлар. Жаҳон алломаларининг илмий алоқалари, маърифатпарварлик, педагогик ахлокий таълимотлари Ўрта Осиёда тарбияшунослик соҳасидаги фикрлар таракқиётининг асосий манбаи ҳисобланади.

Ислом таълимоти ўтмишда яратилган барча илохий илмларни, инсоний тажриба ва фазилатларни умуминсоний қадрият сифатида ўзида жамлади. Қуръони Қарим ва Ҳадисларда баён этилган ахлокий гоёлар инсоният маданияти ҳазинасига қўшилган улкан ҳисса эканлиги жаҳон миқёсида аллақачон тан олинган. Қуръон — фалсафий, ҳуқуқий билимлар мажмуигина бўлиб қолмай, кишилар-ни ҳалоллик, қоклик, ахлоқ-одоб, инсоф-диёнатга даъват этувчи муқаддас қитоб сифатида қадрлидир. Қуръон сураларида эзгуликка, ҳалолликка, қокликка даъват этилади. Бунга амал қилганларга жаннат ҳузур-ҳаловати ваъда қилинади. Ёвузлик қилганлар учун дўзах азоби муқаррарлиги эслатилади.

Саҳобаларнинг Расулulloҳ маъқуллаган сўзлари ва ҳатти-ҳаракатларига тақрир дейилади. Улар шариат аҳқомларига мос келади.

Ҳадисларда одамлар амал қилиши лозим бўлган шаръий талаблар баён этилган. Улар инсоннинг маънавий ва ахлокий қамолотига асос бўлади. Ҳадисларда ахлокий йўл-йўриқлар талқин этилади, инсон шаънига доғ туширадиган иллатлар қораланади. Илм эгаллаш, ҳалоллик, тўғрисиўзлик, адолатлилик, меҳр-оқибат, ота-онани ҳурмат қилиш, етимларга, қамбағалларга ғамхўрлик, саҳийлик, қоклик, омонатга хиёнат қилмаслик, диёнат қаби ахлоқ-кий сифатлар улугланади. Масалан, Ҳадиси Шарифда илм

тўғрисида бундай дейилган: «Илм эгалланг. Илм сахрода дўст, хаёт йўлларида — таянч, елгизлик дамларида — йўлдош, бахтиёр дакикаларда — рахбар, кайгули дамлар-да" — мададкор, одамлар орасида — зебу зийнат, душманларга карши курашда куролдир. Мўминларнинг афзали хулк-атвори яхшиларидур. Садаканинг афзали мўмин киши илм ўрганиб сўнг бошка мўмин биродарларига ўргатишидир. Фарзандларингизни иззат-икром килиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшиланглар». Шунингдек, Хадисларда ёмон хулк, кибр-хаво, адоват, хасад, хиёнат, ёлгончилик, мунофиқлик, порахўрлик, бузуклик каби иллатлар кораланади.

Ислом таълимотида яхшилик килиш инсоннинг мукаддас бурчи эканлиги таъкидланади. «Аллох сенга яхшилик килганидек, сен ҳам ўзгаларга яхшилик кил» (Ка-сос сураси, 77-оят). «Агар чиройли амалларни килсангизлар ўзингизга яхшилик килган бўласизлар. Агар ёмон, гунох амалларни килсангиз ҳам ўзингиз учундир (Исро сураси 7-оят). «Ким бирон чиройли амал килса, унга ўн баробар килиб кайтарилур» (Анъом сураси, 160-оят). Куръони Каримда ота-онага кўпроқ яхшилик килиш вожиблиги кўрсатилади. Шу билан бирга бошка кишиларга, кариндошларга, кўшниларга, мусофирларга, хизматкорларга, дўсту биродарларга яхшилик килиш зарурлиги таъкидланади.

Ислом таълимотида сабр-каноатли бўлиш юксак ахлокий фазилат сифатида улугланади. Сабр хамма фазилатларнинг онаси, хар бир фазилатнинг асосидир, Инсонга хос олижаноб ахлокий сифатлардан бири кечиримли бўлишдир. Бу сифат багри кенг, бировларнинг адовати ва азиятига токат кила оладиган кишиларда бўлади.

Имом Бухорийнинг «Ал-жомий ас-сахих» асарининг «Илм китоби» бўлимида (Хадис. Биринчи китоб. Тошкент, 1991, 28—51- бетлар) илм эгаллаш фазилати ва хосиятлари, илм ўрганиш ва ўргатиш одоби тўғрисида фикр юритилади. Бу ерда илм эгаллаш алайхиссаломнинг илм ўргатиш ва ўрганишга доир панд-насихатлари ўз ифодасини топган. Ислом дини қабул килинган мамлакатлардаги мактаб ва мадрасаларда сабоқ берган муллалар, мударрислар ва толиби илмлар бир неча асрлар давомида бу панд-

насихатларга амал килганлар. Шу мезон асосида илм ўргатувчи ва ўрганувчиларга куйидаги дидактик талаблар кўйилади:

— илм берувчининг овози тингловчиларнинг хаммаси-га эшитиларли, меъёрида бўлиши;

— илм мазмунини «айтган эдилар, хабар берадилар, гувоҳлик берадилар» каби самимий, ёқимли сўзлар билан ифодалаш;

— бирор таълимий ёки тарбиявий масалани ўртага таш-лаб, муҳокама, мунозара йўли билан ўргатиш;

— илм ўрганиш ва ўргатиш учун маълум кунларни катъ-ий белгилаб кўйиш;

— илмни фахмлаб, теран тушуниб, англаб ўрганиш, эсда мустахкам саклаш;

— теран тушунилган, яхши англаб олинган илмларни ёд олиш;

— илм ўргатиш жараёнида болага, лозим холларда, танбех бериш мумкинлиги;

— киши илмни ўзи ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатиши,, илмига ўзи амал килиши зарурлиги;

— илмнинг сусаймоги, илмга эътиборсизлик жамият-ни мукаррар инкирозга етаклашини тушуниш;

— илмни осон, енгил килиб, одаштарни бездирмай ўргатиш;

— илмни сўраб билиб олиш, илм ўрганишда уялмас-лик, ўзи уялса, бошқа биров оркали сўраб билиб олиш лозимлиги;

—илмга доир савол берган одамга сўраганидан кўра кўпроқ жавоб кайтариш;

— билим тингловчига тушунарли бўлсин учун хар бир гапни бир неча марта (уч бор) кайтаришнинг афзаллиги;

— илмни иштиёк билан ўрганишнинг афзаллиги;

— аёлларга ҳам илм ўргатиш лозимлиги;

— эшитганни яхшироқ билиб олиш, мукамал тушу-ниш учун кайта сўраш жоизлиги;

- илмни билган киши билмаганга, эшитганлар эшит-маганларга етказиш лозимлиги;
- илм бераётган уламнинг сўзларига жим туриб, дик-кат билан кулок солишнинг маъкуллиги;
- одамларга жуда оз билишларини англатиш;
- илмни тушунишни, илм олишни истамаган киши ўриига илмни тушунадиган кавмга ўргатиш жоизлиги.

Ўрта Осиё мамлакатларида Ислом дини қабул қилингандан сўнг минг йилдан ортиқроқ давр мобайнида шу таълимот таъсирида тарбияшунослик илми шаклланди ва ривожланди. Маълумки, Ислом динида ҳар бир мусулмондан аввало, иймонли бўлиш талаб этилади. Иймон деганда Аллохнинг бирлигига, Мухаммад Пайгамбаримиз Аллохнинг элчиси эканлигига тил ва дил билан ишонишни назарда тутилади. Бу коида мусулмон мактабларининг муаллимларига қўйиладиган ахлокий талаблардан энг биринчиси ва муҳимидир. Шу билан бирга Ўрта Осиёда яшаган алломалар ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, шунингдек, ўқитувчилик одобига доир таълимотларни ҳам яратганлар.

Абу Наср ал-Форобий (873—930) ўз асарларида қар бир киши муносиб ғуқаро бўлиши учун муайян даражада таълим ва тарбия олиши лозим деб ҳисоблайди. Устоз шогирдига зугум қилишга, шунингдек, кўп ҳолларда ён беришга интиласлиги дарқор. Чунки ортиқчи зугум шогирдда устозга нисбатан нафрат уйғотади. Агарда шогирд устознинг кўнгли юмшоқлигини пайқаб қолса, бу ҳол устозни менсимасликка, охири-оқибатда у берадиган билимдан со-виб қетишга олиб қелади.

Форобийнинг таъкидлашича, ҳар бир кишининг феъл-атвориға қараб тарбия икки ҳил усул ихтиёрий ва мажбурий усуллар билан амалға оширилиши мумкин. Тарбияланувчилар фан ва ҳунар ўрганишға мойиллик билдирмасалар, уларға нисбатан рағбатлантириш усули қўлланилади; аксинча, мабодо улар ўзбошимча ва итоатсиз бўлсалар, мажбурий усулни қўллаш мумкин.

Мусулмон мактабида ишлайдиган кишилардан зийрак, аклли ва ахлокли одам бўлиши талаб этилган. Халк аклли кишиларни доно деб атайди. Форобийнинг кўрсатишича, аклли киши ўткир зехн-идрокли, фазилатли бўлиши, ўзининг қобилияти ва идрокини яхши ишларга йўналтириши, ёмон ишлардан ўзини сақлаши лозим. Форобий «Акл тўғрисида» номли рисоласида ахлокли одам ўзида ўн икки хислатни бирлаштирган бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, одамда барча аъзолар мукамал тараккий этган бўлиши даркор. Барча масалалар моҳиятини тўғри тушуна оладиган, хотираси бақувват, зехни ўткир, сўзлари аниқ, фикрни раво баён этадиган, ҳақиқатпарвар, ватанпарвар, гурур ва виждонини қадрлайдиган, мол-дунёга муққасидан қетмаган, саховатпеша кишилар ахлокли одам ҳисобланади. Форобий таълим берувчилар ўз билимлари ва ахлокий даражалари жиҳатидан ўзаро фарқ қиладилар, дейди.

Абу Али ибн Сино (980—1037)нинг фикрича, тарбия ягона жараён. Бу жараёнда ёшларга ақлий, жисмоний, ахлокий тарбия бериш ва ҳунар ўргатиш назарда тутилади. Ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асарида болани олти ёшдан бошлаб муаллимга топшириш ҳусусида фикр юритади. Улуг ҳаким таълим жараёнида ўқитишда оддийдан мураккабга қараб бориш қоида­сига амал қилиш лозимлигини уқтиради. Айниқса, болага қучи этадиган машқларни бажартириш амали бу жараёнда қатта аҳамият қасб этишини таъкидлайди.

Ибн Сино болаларни яқка-яқка ўқитишдан қўра жамоада таълим бериш афзал эканлигини эътироф этади. У жамоада ўқитилганда болада илмга интилувчанлик қучайишини далиллар орқали исботлайди. Унинг фикрича жамоада бошқалардан орқада қолишга боланинг гурури йўл қўймайди; бирга ўқиганда болалар бир-бирлари билан гаплашиб нутқи ўсади, хотираси му­стаҳкамланади; таълим жараёнида ўқувчилар бир-бирлари билан ин­оклашади, бир-бирларини ҳур­мат қилишга одатланади, мунозара қилишни ўрганади, ўзаро мусобақалашишади, ўзларининг ҳулқ ва бурчлари ҳақида фикр алмашадилар. Бу эса болаларнинг ҳулқини яхшилашга, ахлоқ нормаларини эгаллаб олишларига қўмаклашади.

Кайковус (XI аср) «Кобуснома»да болаларга хунар ўргатмок тўғрисида тўхталиб, фарзандига килган насихатида ота-онанинг ва муаллимларнинг болага муомала маданияти масаласига ҳам тўхталади. Чунончи, у ота-она ўз боласига илм ва ахлокий фазилатларни сингдириш учун болага муаллим оркали таъсир ўтказиш мумкинлигини уктириб шундай дейди: хар илмни ўргатувчи муаллимлар таълим учун (болани) урсалар, сен (ота) шафкат кўргазгил, майли урсунлар, нединким ёш ўғлон илм ва адабни таёк билан ўрганур ва ўз ихтиёри била ўрганмас. Аммо фарзанд беадаб бўлса ва сенинг ул сабабдин кахринг келса, ўз кўлинг била урмагил, муаллимларнинг таёги била куркитгил. Болаларга муаллимлар адаб берсунлар, токи сендан ўглингнинг кўнглида гина колмасун.¹

Бурхониддин Зарнуджий XII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган. Маргилондаги мадрасада таълим олган ва шу ерда мусулмон конуншунослигидан талабаларга дарс берган. Ўзининг кўп йиллик тажрибасини умумлаштириб, «Ўқувчига таълим йўлида кўлланма» номли асар яратди. Бу асар Шарк мамлакатларида кўп марта нашр этилиб, кенг таркалган.

Унда педагоглик касби, ўқитувчилик одобига доир бир канча ахлокий талаблар ўз ифадасини топган. Куйидаги-лар шулар жумласига киради:

— ўрганиш учун фанлар орасида энг муҳимларини тан-лаш. Бола нимага кизиқиши, нимага ўрганмокчи эканлиги ва келгусида хаётда кайсисига эҳтиёж тугилишини хисобга олиш;

— энг аввало билимли, олижаноб муаллим танлаш;

— хар бир киши мурувватпешалик фазилатларини эгал-лашга интилиши;

— ўқувчи муаллимдан, ўрганаётган фанидан, танлаган касбидан тўла каноат хосил килиши;

— ўқувчининг шериги (ўртоғи, дўсти) соф дил, пок феъл-атворли бўлиши, ялков, ишёкмас, эзма бўлмаслиги, жинойтчи ва кўли эгрилардан узокрок юриш;

— ўқувчининг муаллимга, устозига хурмати ундан олдин юрмаслик, унинг ўрнига бориб ўтирмаслик, машгулотлар пайтида унга якинроқ жойда ўлтиришида билинади.

Саъдий Шерозийнинг асарлари Ўрта Осиёда, жумладан, ўзбеклар орасида ҳам кенг тарқалган. «Гулистон», «Бўстон» каби педагогик-ахлокий китоблари ўзбек мактабларида дарслик сифатида ўқитилган.

«Гулистон» асарининг «Тарбиянинг таъсири баёнида» деб номланган еттинчи бобида тарбияшунослик илми, ўқитувчи одобининг муҳим қонунқоидалари кизикарли ҳикоятлар шаклида баён этилади. Қуйидагилар шулар жумласидандир:

— таълим-тарбияни эгаллаш учун болада аввало қобилият бўлиши лозим:

Қобилият бўлса аслида,

Тарбият унга қилади асар.

Қанча уринма бўлмас сайқали,

Темир аслида бўлмаса жавҳар?

- киши ёшлигидан илм-хунар ўрганиши керак. Хунар қайнар булок, туганмас давлатдир.

Истар эсанг отангдан мерос, қўйгил отанг илмига ихлос.

- муаллим болаларни одобли қилиб тарбиялаши, уларга андиша билан гапиришни, мақбул ҳаракат қилишни ўргатиши лозим.

Муаллимнинг сўзига амал қилмаган шахзодаларга жазо қўпроқ берилиши жоиз, чунки уларнинг гапирган гаплари, қилган ишлари тилларда дoston бўлади.

— муаллим тили аччик, баджаҳл, фосик, хаддан ташқари қаттиқ қўл бўлмаслиги, шунингдек, ўта содда, мулоим табиатли киши ҳам бўлмаслиги жоиз:

Агарда муаллим бўлса беозор,

Болалар синфни қилишар бозор.

Қумуш ул тахтага зардин битиб ёд

«Ота меҳридин афзал жабри устод»

— мабодо тарбияланувчи муаллимнинг тўғри насихатига кулок солишни истамаса ҳам тарбиячи билганини унга айтиши жоиз:

Бахорда барги мўл дарахтлар ночор

Ялангон колар киш изгиринида.

Паст, нодон мастликда ўйламас асло,

Не кечар ахволи йўклик кунида?

— тарбиянинг натижаси, самараси боланинг табиатига боглик.

Тилла-кумуш бари чикса ҳам тошдан,

Барча тошда олтин бўлмоғи гумон

Алишер Навоий (1441—1501) ўзбек адабиётининг асос-чисидир. Шу билан бирга у тарбияшунос ҳамдир. А. Навоий «Махбуб-ул-кулуб» асарида касб ахлоки, турли гурух кишиларининг одоби масаласини мақолатлар шаклида ифода этади. У таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор берар экан, тарбия жараёнларини, воситаларини, ахлоқ-одоб талабларини кўрсатади. Таълимда илмийлик, асосланганлик, тарихийлик каби тамойилларни асос қилиб олади.

Ўқитувчи одоби ва муаллимлик касби, мударрислар, мактабдорлар тўғрисида гапирар экан, муаллим ўз шогирдларини севиши зарур, дейди. Ўзига ҳам, ўқувчига ҳам талабчан бўлиши лозимлиги уқтирилади. Ўқитувчини жамиятда обрўли ва ҳурматга лойиқ инсондир, деб ҳисоблайди. Шогирдлар муаллимни ҳурмат қилишлари, эъзозлашлари зарурлигини уқтиради.

Алишер Навоий ўз замонасидаги мактабдорлар ҳақида гапириб, улар болаларга жафо қилиш, азоб бериш, қалтаклашга ўрганиб қолишганини танқид қилади. Улар сабабсиз аччиқланишга одатланишган. Муаллимлардаги бу иллатлар тарбия жараёнининг қийинчиликларидан, болаларнинг табиати, феъл-атвори, фаҳм-фаросати турли-туманлиги таъсирида вужудга келади, деб ҳисоблайди.

Навоийнинг фикрича, гоҳида бир киши битта болага тарбия беришга ожизлик қилади, муаллим эса бир гурух болаларга илму адаб ўргатади. Бу жараёнда муаллим кўп азият чекади, машаққатларни ўз бошидан кечиради.

Шу боис шогирдлар устоз олдида умрбод карздор эканликларини хис этишлари даркор. Шогирд подшоҳлик мартабасига эришса ҳам муаллимга куллуқ килса арзийди:

Хак йўлида ким санга бир харф ўқитмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг хакин юз ганж ила.

Навоийнинг «Махбуб-ул-кулуб» асарида ўқитувчи одобига доир қуйидаги мулоҳазалар баён этилган:

— мударрис ота-онасининг мансаби, бойлигига қараб болага муомала қилмаслиги лозим;

— муаллим болаларга биладиган нарсаларини ўргати-ши, билмаган илмларини ўргатишга уринмаслиги керак;

— гердайиш, манманлик, таъмагирлик, нодонлик каби иллатлар ўқитувчи ахлокига ёт сифатлардир.

— муаллим ярамас ишлардан, нопокликдан йироқ бўли-ши керак;

— халқ назарида олим ҳисобланадиган мударрислар ёмон ишлардан, фисқу фасоддан ўзларини тия билишлари зарур.

Абдулқосим Фирдавсий номи жаҳонга машхур. Унинг Европа китобхоналари қалбини мафтун этганига ҳам икки аср булди. Шарқда эса у минг йилдан бери кишилар завқ-шавқини кузгаб, фикру-уйи, орзу-умидларига мадад бериб келмокда. Шоирга боқий умр, номига безоволлик бахш этган асар унинг биргина достонидур. Бу асар "Шохнома" - "Шохлар китоби" деб аталади. Ривоятларга қура, у уз асари устида 30-35 йил меҳнат қилган. Бу азим достон 60 000 байтдан иборатдир. Бу асар ёзилган вақтдан бошлаб китобхон томонидан "Шохлар ҳақидаги китоб" сифатида эмас, балки халқнинг орзу-умидлари, унинг идеали ҳақидаги "Шох китоб " сифатида қабул қилди.

"Шохнома" ни урганувчи олимлар уни уч катта қисмга бўлиб қарайдилар. Биринчи бўлимда қадимий афсоналар қайта ишланиб бадиий ифода этилди. Иккинчи бўлимда халқ баҳодирлари ҳақида ривоятлар ҳақида суз беради. Учинчи бўлимда эса тарихий подшолар ҳаёти тавсиф этилади.

"Шохноманинг" етакчи гоёси-Ватанни улуглаш, халк кудратини куз-куз килиш, халк баходирларини васф этишдир.

Шунинг учун ҳам бу ажойиб асар уша даврдаги жахонгир султон Махмуд Газнавий томонидан рад этилиб, асар муаллифи кувгинга учратилди.

"Шохнома" истикболга интилган асар. Уни укиган кишида одамзод ёмонлик, коронгулик, зулмат панжасида узок колмаслигига, инсон ақл-заковати галаба килишга ишонч хисси уйғонади.

Муаллифларнинг маълумотларини караганда "Шохнома" ахлокий-таълимий, табиявий ахамиятга эга асарлардан биттасидир. Уни укиган инсон узини бошка бир дунеда тасаввур килади. "Шохнома" уз укувчиларини хаксевар, одоб-ахлоқ юзасидан баркамол инсон, гузал хулқи, нафис табиат эгаси килиб вояга етказишга ҳуқуқли, десак муболага бўлмайди.

Бугунги мустақил юритимиз ёшлари, келажаклари учун таълим масканларида шундай мақсадга мувофиқ асарлардан фойдаланиш даркор. Уларни ҳам Фирдавсий богидан баҳрга олишга ундаш лозимдир.

Агар шундай инсоний хислари, гоёлари фикр ва туйғулари учун унинг асари асрлар бўйи севилиб уқилиб келинмоқда, тилдан-тилга таржима килинмоқда.

"Шохнома"ни укувчи инсон кеча орқасидан кундуз келиши ёругликнинг коронгулик устидан тантана килишига ишонади. Неча минг йиллардан бўён узининг мавқеини, лутфу-тарофатини йукотмаган "Шохнома" бугунги куннинг асосий талабларидан бири бўлганлиги аниқ. Ватаннинг эртаси-ёшлар ҳам Фирдавсий ортида колмасликлари унга интилишлари зарур. Шунда ҳаётимиз жуда гузал серфайз утади

И.Г.Песталоцци Швейцарияда Цюрихда, врач оиласида тугилди. Песталоццининг отаси у кичиклигида улган эди, шунинг учун ҳам уни онаси ҳамда оддий дехкон аёл уларнинг собиқ хизматчиси тарбиялаб устирди.

Песталоцци урта мактабни тамомлади. Купрок гуманитар фанлар уқитиладиган олий укув юртига - коллегияга, унинг филология ва фалсафа бўлимларига кириб уқиди.

У 1974 йилда "Найгофда" "Камбагаллар муассаси очиб етим ва босқимсиз болалардан 50 га яқин кишини муассасага туплади. Песталоццининг

фикрича, болаларнинг узлари ишлаб топган пуллари шу етимхонанинг харажатини коплаш керак эди. Етимхонада тарбияланаётган болалар далада ишлар, шунингдек, тукув ва йигирув дастгохларида ип йигриб, мато тукир эдилар. Пастеллоццининг узи болаларга укиш ёзиш ва хисоб кргатар, уларни тарбиялаш билан шугулланар эди. Хунарманд усталар эса болаларга ип йигириш ва тукишни ургатардилар. Шу тарикка Пасталоцци уз муассасасида болаларни укитишни уларни унумли меҳнатга ургатиш билан кушиб олиб боришга уринди.

Песталоццининг фикрича, тарбиянинг мақсади одамнинг барча табиий кучларини ва қобилиятларини устириш, устирганда ҳам ҳар томонлама ва бир-бирига уйғун равишда устиришдир.

Тарбиянинг болага қурсатаётган таъсири, унинг табиатига уйғун бўлиш лозим.

Песталоцци тарбиянинг моҳияти тугрисидаги тасаввурига асосланиб, тарбиянинг янги методларини - инсоннинг кучини, инсон табиати билан мувофиқлаштириб, устиришга ёрдам берадиган методларни яратишга интилади.

Болани тарбиялашни - дейди у унинг тугилган куниданок бошлаш лозим.

Бола тугилган соат-унга таълим беришнинг биринчи соатидир". Шу сабабли чинакам педагогика онани тугри тарбиялаш методлари билан қуроллантириш керак.

Педагогика санъати эса шу методикани ҳар бир она жумладан оддий деҳқон аёл ҳам эгаллаб оладиган қилиб, соддалаштириб бериш лозим. Оилада табиатга мувофиқ қилиб бошланган тарбия мактабда ҳам давом этирилиши лозим.

Барча ижтимоий кучлар ва имкониятлар энг оддий нарсалардан ривожлана бошлайди ва секин аста мураккаброк даражага кутарила беради. Тарбия ҳам ана шу йулдан бориши лозим.

Ҳар бир болага ҳос бўлган тугма куч ва қобилиятлар қуртакларини табиий тартибга мувофиқ одам қамолотининг адабий ва узғармас

конунларига мувофик холда мунтазамлик билан машк килдириб, устириш керак. Песталоцци зерикарли ва бир хилдаги машклар килдириш билан болаларда кузатиш нарса ёки ходисанинг белгиларини аниклай олиш малакасини хосил килишга интилни.

Болаларга ёзув малакасини хосил килмок учун Песталоцци ёзув ургатишни нарсаларни улчаш ва суратини чиаши билан шунингдек, нуткни устириш билан боглаб олиб боришни таклиф килди.

Абу Райхон Мухаммад ибн Ахмад Ал-Беруний Хоразм пойтахтида хижрий 362 йилда, милодий 973 йилда тугилган. Унинг тарбияси билан Абу Наср Ирокий шугуланади.

Беруний бошлангич таълимни кишлокдаги мактабда олган, сунгра йирик мунажжим ва математик Абу Наср ибн Ирок таълим-тарбиясида улгайган. У 17 ёшда ёш мунажжим олим сифатида танилни. Беруний Хоразм, форс, араб, юнон, санскрит ва яхудий тилларини пухта урганган. Журжон хокими Кобус ибн Вишмигир саройида илмий ижод килиш учун кулай шароитга эга булиб, ёшлигида туплаган материаллари асосида китоб ёза бошлади. 1000 йилда эса Беруний "Кадимги халклардан колган ёдгорликлар" номли китобни ёзиб тугатади 1004 чи йилнинг бошларида Беруний Маъмун 2 томонидан Хоразмга чакириб олинади ва саройда шохнинг якин маслахатчиси сифатида курсатади. Беруний арабча шерлар ёзади. Беруний "Утмиш ёдгорликлари", "Хоразмнинг машхур аодлари", "Геодеазия", "Минералогия", "Хиндистон", "Фармокология", "Конуни Маъсудий" ва бошка асарларни яратган. 1010-1017 чи йилларда А.Р.Беруний Акалик ва узунлик жугрофик нукталарни хисоблаб чикди. 1016 йилда "Куёш харакатини аниклаш йули" деган китобни ёзиб тугатди. "Маъмун академия"си Беруний учун фан чуқкиларини забт этишга ёрдам берди. 1029-1034 йилларда булмиш-Рахонга атаб "Китоб ат тавхим" , яъни "Фалаккиёт санъати" мукадиммасии тушинтириш китоби асарини 1048 йил охирида "Китоб ас-Сайдони" сингари асарларини яратди. Ал-Беруний 150 дан ортик ноёб дурдона китоблар ёзиб колдирди. Шулардан бизгача 30 дан ортик китоби етиб келган.

Беруний энг сунгги нафасигача дунё сирларини очиш билан бирга инсоният яратган билимларни урганиш, умумлаштириш ва баён этишга уз кмрини сарфлаган, Беруний умрининг сунгги кунларида бундай деб ёзган эди: "Биргина нарса учун узокрок яшашим керак эди, у хам булса кулимдаги нотаомом асарларни тамомлаш ва окка кучирмай колганларни кучириш эди". Аммо, дахшатли улим, рахмсиз ажал буюк олимнинг максадига етишишга имкон бермади. У 2 декабр 1048 йилда 75 ёшида Газна шахрида вафот этди.

Берунийда халкпарварлик, ватанпарварлик, исчил иноснийлик, хакикий илмий караш ва хулосалаш узвий равишда чамбарчас боглик. Абу Райхон Берунийнинг ижтимоийлик, ахлоқ ва одобнинг асосий масалалари буйича карашлари инсонийлик туйгуси билан йугрилган. У халклар уртасидаги дустликни ёклаб, хукмдорларнинг узаро урушларига карши чиқади. Унинг ижтимоий карашлари марказида инсон, инсоний жамият туради.

Абу Райхон Мухаммад ибн Ахмад Ал Беруний урта асрда жуда огир машаккатли хаёт кечиришга карамасдан узининг илм фан ва маърифат саохасидаги улкан хизматлари билан бутун дунегача уз замонасининг буюк файласуфи, мунажжим математики, фиаки, доришуноси, жуографиячиси, тарихчиси, адабиётчиси, машхур педагог ва бошқа фанларни чукур билган комусчи олим сифатида танилди. Олимнинг илмий мероси хали урта аср шароитида жахолатдан кутилмаган карбий Европага илм нуруни таркатди. Жумладан, унинг "Ат-Тавхим", "Масъуд конуни" номли асарлари уша даврда ва кейинги даврларда хам мактабларда укилиб келган экан.

Берунийнинг илмий фаолияти узидан кейинги авлодга хам жуда катта таъсир курсатмокда. Умар Хайём, Н.Турссий, Чагманий, Улугбек А. ли Кушчи ва бошқалар Берунийни узларининг устозлари деб хисобланган эканлар. Биринчи Берунийшунос немис олими Э.Захау Берунийга "Фан океанидан яккаю-ягона коядир" деб юксак баҳо берган. Демак, Берунийнинг илм-фан ва маданият тараккиёти тарихида тутган урни каттадир.

Унинг таълим-тарбия тугрисида баён килинган фикрлари Урта Осиё халкларининг педагогика фанига оид фикрлар тарихини урганишда юксак ахамиятга эгадир. Буюк аллома Беруний асарларининг мазкур ва мохиятидан,

унинг таълим-тарбия тугрисидаги олам шумул фикрлари маданият ва тарих хазинасига битмас туганмас хисса булиб кушилган. Шундай килиб, буюк олим Берунийнинг илмий мероси табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий карашлари жамият ва инсон хакидаги кимматли, фикрлари меҳнаткашларнинг, укувчи ёшларнинг илмий дунекарашини бойитиш ва кенгайтиришда муҳим аҳамиятга касб этади.

Беруний жамиятда, ижтимоий турмушда адолат масаласига катта аҳамият беради. Жамиятдаги жуда куп муассаса, ташкилотлар Беруний фикрича, зарурий эҳтиёжлар орқасида келиб чиқган булиб, одамларнинг узаро келишувларининг ҳосиласидир. Олим пулнинг пайдо булишини шаҳар, ҳунармандчиликни вужудга келиши, меҳнат ва меҳнат маҳсулотларини тахсимланиш каби масалалар инсон ақл заковатига, унинг машғулот турига, касбкорига асосланганлигини такиблайди. Беруний учун инсондан шарафлироқ ва кимматлироқ аод йук. У кишиларнинг кундалик турмушдаги юриш туришлари, узларининг тутиши, одамларнинг сузи, калби, кийим, бажарган меҳнати ҳамма-ҳаммасига гузал булишини талаб этган. Берунийнинг мақсади инсон киёфаси, унинг юриш туриши, хатти-ҳаракати, уз ифодаси билан юзага келишини такрор айтиб, укувчига гузаллик қонунини етказди. Беруний табиий гузалик билан бирга инсон ахлокида феъл-атворида гузалик борлигини тушинади ҳамда биринчидан иккинчисининг туб фарқини куради. Улуг олим ва педагог А.Р.Беруний узининг буюк хизматлари билан узбек халқинингина эмас, балки бутун Урта осий халқларининг фаҳри, бутун жаҳон илгор кишиларининг ифтихори сифатида яшаб келди ва яшамокда.

Юқорида биз буюк матафакир, олим ва педагог Беруний асарларини санаб утдик. Берунийнинг асарларида улуг олимларга ҳос икки хусусият бордир:

1. Хур ва бетараф муомалада булиш.

2. Мусбат билимга номувофик ва ақлга уйғун булмаган буш ва асоссиз фикрларга боғланиб қолмаслик. мавзуни танқидий аёхн билан тадқиқ этмок, етарли далиллар топилгандан кейин ҳақиқатни тасдиқламок лозим. У инсоннинг кадр қимматини улуглаган, инсонларнинг ишонч ва

маъмуриклари бир-бириникидан фарк килишига диққатни тортган, аммо дунё маданияти такомил ва шу ранг-баранглик натижасида бунёд булганини тасдиқланган. Унинг фикрича, инсонлар уч сабаб билан бахтсизликка дучор буладилар:

1. Инсон ер юзида яратилганлар орасида энг мумтозидир. Аммо инсонлар кизганчилик сабаби бир бирларнинг кулларида булган нарсаларга куз тикадилар. Бу ҳам ижтимоий хузурсизликка сабаб булади.

2. Уз ишончини, масхабини ва кабиласини бошкалардан устун куймок инсонлар орасида нифокларга йул очади.

3. Хурофотлар ва буш ишончсизлик инсонликнинг такомилени орқага сурмокда ва тушунмовчиликларни юзага келтирмокда.

Беруний "Хиндистон" асарида шуларни ёзади:

Бу китоб баҳолашиш ва тортишиш китоби эмас, шунинг учун бу китобда душманлар исботини келтирмайман ва ҳақиқатдан четга чиқганларга қаршилиқ қўймайман. Бу ҳақиқатга баён қилиш китобига ҳолос.

.... Илм эса жасад табиатини уз ҳолига қуйиб, қуёш туқунидан ёки булутдан тозаланганидек, нафс қоронғуликдан тозалайди.

..... Ақл эса ҳеч қачон вақт ва замонга бўйланмай, нарсаларни ҳақиқатини била олади, утмиш ва келажакдаги нарсалар ҳам унга баробардир. Ақлнинг энг яқин ёрдамчиси фикр ва табиат, энг узоқ ёрдамчиси бешта сезгидир. Сезгилар билинганлардан бир булагина фикрга етқизса, фикр уни сезги янгилашларидан тозалаб, ақлга топширади. Ақл унинг умумий (илм) га айлантиради ва буни нафосга билдиради, нафс шу йул билан олимликга айланади.

.... Яна бошқа муваффақиятларни қўйиб амалга мос қўладиган қувватини эгаллаш билан ҳам илм ҳосил булади.

..... Яхши ҳулқ, дин талаб этадиган ҳулқлар бўлиб, шохобчалари қўп бўлса ҳам, уларнинг фикрича, асл ва асоси қўп маъноларни уз ичига олган бир мунча ишлардан иборатдир.

Улар : 1) Улдирмаслик; 2) Ёлгон гапирмаслик;

3) Уғирлик қилмаслик; 4) Зино қилмаслик;

- 5) Мол йигмаслик; 6) Кейин доимо пок ва тозза
булиш;
- 7) хамиша руза тутиб, узини кийнаш;
- 8) Тангрини поклаб ва улуглаб, унинг ибодатига
ёпишиш

Беруний инсонни хар томонлама камол топишишини энг аввало меҳнат билан, укибмаълумот ва хунар эгаси булиши билан боглик деб билган. Унинг фикрича, инсон акли ва маърифатлиги билан баркамол ва расодир.

Маълумки, киши камолотида уч нарсa (ирсият, мухит, тарбия) асосий ва етакчи роль уйнайди. А.Р.Беруний инсон камолоти хакида гапирганда, уни гузаллик, куркамлик, олий жаноблик мардликда деб билди. Биз- деб ёзади, олим, -эраталаб нонуштасини килиб, кечкурун шомлигини еб-ичиб юрганни мард киши демаймиз. Мард киши шундай одамки, эртаю-кеч душманга зарару, дустларга фойда етказган кишидир.

4. Беруний педагогика тарихи ва таълим-тарбия масалаларига ижодий ёндашди. Олимнинг таълим-тарбия хакида, укиш-укитиш соҳасидаги карашларининг икклаш ва хар томонламалиги билан кимматлидир.

Беруний узининг таълим-тарбия ишларида ва карашларида аник фанларни, чунончи, энг аввало, математика, тарбиятшунослик, физика, кимё ва бошкаларни урганиш, колаверса, укувчи, албатта, фалсафа, мантик ва тил илмини билиш зарурлигини алоҳида уктиради. Буюк мутафаккирнинг таълим-тарбия соҳасидаги ишлари уз ичига куйидагиларни олади:

1. Аклий ва ахлокий тарбия
2. Нафосат ва меҳнат тарбияси
3. Оилавий тарбия
4. Дустлмик ва байналминал тарбия.

1. Беруний фанларни яратган билимларни урганишда уларга онгли ва танкидий ёндошган.

2. Олим кайси фан билим машхур булмасин, у уша фанни синчиклаб урганган, аник маълумотларни туплаган ва уз карашларини ишлаб чикиб, янги усул ва хулосалар баёнида умумлаштирган.

3. Сехиргар-жодугарлар учун текин даромад манбаи булган сохта фанларни фош килиб, Билимда хакикий фанларни ролини уз тажриба ва кузатиш методлари оркали исботлайди.

4. Беруний халклар тарихини баён килишда диний, иркий ва миллий карашлардан холис булиб, таълим олиш ва бу ишда киёсий тахлил методидан фойдаланишни курсатади.

5. Укитишда ёдлатиш эмас, балки тушиниг, мантикий фикрлаш, хулосалар чикариш йулига амал килиш лозимлигини айтади.

6. Укитишда укувчининг кизикиши ва интилиш хисобга олиниш ва муаллим уз шогирдига хушмомилали булишини такидлайди.

7. Укитишда турли учул ва методларни куллаш, яъни караб чикиш, уқилмаган мавзуларни уқиб олиш, керакли жойларни кайта уқиб олиш ва умуман яна, яна уқиб чикиш ва тушуниб олиш лозимлигини кайта-кайта уқтиради.

8. Укув куролларини, китобларни эътибор билан авайлаб-асраб тутиш, бу китоблар инсониятнинг бойлиги эканлигини курсатади.

9. Берунийнинг фан уз йули билан, дин уз йули билан яшашини уқтирган, фанни диндан ажратиш йулида биринчи бор хакикатни химоя килган мутаффакир деб биламиз.

II-Боб.Мехнат таълими дарсларида укувчиларда касбий ахлокий меъёрларни шакллантиришнинг узига хос хусусиятлари

II.1.Касбий-педагогик ахлокини шакллантиришда тарбия ва уйин технологиялари имкониятлари

Ҳозирги замон ёшлари ақлий камолотининг ривожланиб бораётганлиги, уларнинг илм ўрганишга чанқоқлиги, мустақил фикрлаши ва

илмий-ижодий изланишлари, янгиликлар ва кашфиётларга нисбатан чексиз қизиқиши ва таълим мазмунига талабчанлиги, ўқитувчининг ўз устида ишлашга, малакасини ошириб боришига ва онгини янада ривожлантиришига, таълим тизимидаги барча янгиликлардан бохабар бўлиб бориши кераклигига асосий мотив бўлиб хизмат қилади. Сўнгги йилларда педагогика фанига, таълим тизимига шиддат билан кириб келаётган янги педагогик технологиялар, инновациялар, янги-янги педагогик-психологик тушунчалар, интерфаол методларни таълим берувчи томонидан ўзлаштирилиб ва қўлланиб борилиши, таълим мазмунини тубдан ўзгартириб юборди десак муболаға бўлмайди. Замонавий ўқитувчи дарс жараёнида «актёр» эмас, аксинча «режиссёр» бўлиши кераклигини англаши лозим. У ўз ўқувчи-талабаларини фанга ижодкорлик нуқтаи назари билан қарашларини ташкил қилиши, уларда изланувчанлик хусусиятларини шакллантириши ва албатта, янги педагогик технология усулларидан фойдаланган ҳолда дарсни ташкил этиши керак бўлади. Бунинг учун эса у бир неча янгича таълим усулларини яхши билиши керак. Шу ерда Президентимиз И.А. Каримовнинг «Биз ўғил-қизларимизни ўзларини англашга, мустақил, онгли фикрлашга, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишиги йўл қўймаслигимиз лозим» [1] деган сўзларини мисол қилиб келтирган ҳолда мактаб ўқувчиси, касб-хунар коллежлари, академик лицей талабаларининг нутқ бойлиги, ўқувчилигини оширишимиз, бадий ва илмий адабиётларга қизиқишини ривожлантиришимиз, уларнинг дунёвий ва диний илмлардан қай даражада хабардорлигини аниқлашимиз керак бўлади. Чунки кўп ўқиган ва ўққан ёшларни алдаш, миллий ғоямизга ёт бўлган ғоялар сари етаклаш халқимиз душманлари учун уддалаб бўлмайдиган масалага айланади.

Интерфаол методлар ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарфламай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришиш мақсадини назарда тутди. Дарс мобайнида маълум назарий билимларни ўқувчига етказиш, унда айрим фаолият юзасидан кўникма ва малака ҳосил қилиш, маънавий сифатларни шакллантириш, ўқувчи билимини назорат қилиш ҳамда баҳолаш ўқитувчидан юксак маҳорат ва тезкорлик талаб қилади.

Бу борада ўқитувчи дарсларда фойдаланиши мумкин бўлган айрим педагогик воситалар: таъкидловчи саволлар бунда ўқувчининг берган саволига қараб, унинг фикрлаш даражасини аниқлаш мумкин. Ўқитувчи альтернатив, ўқувчини фаолликка қорловчи саволлар орқали синфда ижодкорлик, изланувчанлик, қийёслаш, ўхшашлик ва фарқини топиш сингари хусусиятларни ривожлантирувчи муҳитни яратади. Саволлар бериш билан биргаликда ўқувчиларда, фикрлашга мажбур қилувчи саволлар тузиш қобилиятини ҳам шакллантириб боради. Интерфаол метод ва усулларни санаб ўтамыз: аклий ҳужум, кластерлар, мустақил хат, Венн диаграммаси, ҳаракатли маъруза, ўзаро таълим, муаллифга саволлар, «биламан, билишни истайман, билиб олдим» (БББ), инсерт, баҳс-мунозара, синквейн, қадриятлар тизими, дебат, ҳамкорликда изланиш, аргументланган эссе ва бошқалар.

Бу усуллар асосан басқичларга ажратилган дарс жараёнида қўлланилади (чақирув, англаш, фикрлаш) ва ҳар бирида ўқитувчи ўқувчиларга тегишли топшириқлар беради. Бу методлар ва усуллар ўқувчида коммуникатив қобилиятнинг ўсишига, ўқувчилар орасида ҳиссий алоқа ўрнатилишига, муаммоли вазиятлар ечимига, гуруҳда ишлашни, ўзгаларнинг фикрини тинглай олишни ва ўз фикрини мустақил баён этишни ўргатибгина қолмасдан, унда ўзига ишонч, билимига таяна олиш, қизиқишларининг кучайишига, кенг фикрлашга олиб келади.

Давлатимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт–шароитлар яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади ва ҳар қайси инсон Аллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласи, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар тўлиқ тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас.»

Бу сўзларни шунчаки келтирмадик, чунки ёшларимизни маънавий баркамол, аклий салоҳияти юқори, мустақил ва эркин фикрловчи, ижодкор

бўлиб шаклланишида педагогик инновацияларни қўллаш, интегратив жараёнга асосланиш, интерфаол методлардан фойдаланиш камлик қилади. Биз ўқувчи шахсининг ички оламини ҳисобга олишимиз керак бўлади. Яъни унинг шахсий фикри билан ҳисоблашимиз, ундаги қобилиятларни пайқамоғимиз, унинг сўз бойлигини ошиб боришига ижобий таъсир кўрсата олишимиз зарур. Хўш, бунинг учун нима қилиш керак деган савол ўз-ўзидан туғилиши муқаррар. Урганч политехника ва компьютер технологиялари касб-хунар коллежи ўқитувчилари томонидан дарсларда қўлланилаётган қоидалар дарсни самарадорлигини анча оширишини кўрсатди. Қуйида шу қоидаларни санаб ўтамиз.

**Машғулотнинг самарадорлигини ошириш учун амал қилиш
мумкин бўлган қоидалар:**

- дарс қолдирмаслик ва кеч қолмаслик;
- аниқ мақсад қўйиш ва унга эришиш;
- вақтдан унумли фойдаланиш;
- фикрни бўлмаслик;
- эшита олиш, савол бериш маданиятига риоя қилиш;
- ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш;
- ўзаро ҳурмат;
- маъсулиятли бўлиш;
- фаоллик, ижодкорлик ва бунёдкорлик;
- кайфиятни мўтадил сақлаш;
- ташкилотчи ва ташаббускор бўлиш;
- фикрини қисқа, аниқ ва равлон ифода этиш;
- ўзаро ҳурмат, ҳайрихоҳлик, ҳамдардлик, ёрдам кўрсатиш.

Бу қоидалар шахсни юқори маънавиятли, кенг фикрловчи, ижодкор, бўлиб шаклланишига ёрдам беради, шунингдек ўзгаларни фикрини ҳурмат қилишга ўргатади. Ўқувчи-талабаларимиз дарс жараёнида шу қоидаларга амал қила олишса ўз фикрларини, ғояларини айтишдан чўчишмаса,

серғайрат, шижоатли, қалб туйғулари илмда беором бўлса, ўзгаларни фикрини ҳурмат қила олишса дарслар ўз самарасини бериши аниқ.

Ҳозирги давр талабидан келиб чиққан ҳолда талабаларни ўз-ўзини тарбиялайдиган, ўзи мустақил изланиб, билимларни эгаллайдиган даражага олиб чиқиш асосий вазифа ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури рақобатбардош мутахассислар тайёрловчи педагогга қўйиладиган замон талаблари мажмуини белгилайди. Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг мажмуи педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади. Умумлашган моделга мувофиқ асосий талаблар қуйидагилардан иборатдир:

- Таълим бериш маҳорати;
- Тарбиялай олиш маҳорати;
- Ўқув – тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсият фазилати;
- Таълим олувчиларнинг билимларини ҳолисона баҳолай олиш ва назорат қила билиш маҳорати.

Умумлаштирилган модел доирасидаги малакавий замон талаблари педагог «Қиёфа» сини ифодалайди. Касбий тайёргарлик йўналиши бўйича ҳар бир педогог узининг аниқ иш режаси ва методларини белгилаб олиши лозимдир.

Ҳар кайси таълим даргоҳида аввало маънавий муҳит ижобий шаклланган ва маънавият ва маърифат ишлари бўйича олиб борилаётган тадбирларнинг самарали булишига эришиш лозимдир. Маънавият ва маърифат ишлари бўйича маъсул шахснинг йиллик иш режасида қуйидаги тадбирларнинг мавжудлиги таълим берувчи ва таълим олаётган укувчиларни тугри йулга бошлаш уларга касбий маҳорат сирларини англатиш касб этикаси ва психологиясини сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Аввало ҳар бир гуруҳга маъсул булган гуруҳ раҳбарининг тарбиявий ишлар бўйича йиллик иш режаси мавжуд булиши лозим. Ҳар бир мактабда

«маънавият соатлар» ини утказиш укувчиларнинг бугунги давр билан ҳамнафасликда булишларини таъминлайди. «Вакт бюджетидан фойдаланиш»

тадбирларини жорий этиш оркали вақтнинг ганимат эканлиги ва унинг аҳамиятини тушунтириш мумкин. Касбий этикани шакллантиришга қаратилган «Устоз-шогирд» тизими оркали ҳар бир укувчида маъсулият ва касбий қуникмаларни шакллантириш мумкин.

Бугун давр маънавий киёфаси юксак бўлган ва узини ижобий хислатларига эга бўлган шахсларга нисбат талабчандир. «Юксак маънавий мезонлар» руқуни остидаги тадбирлар оркали бўлажак мутахассисга маънавий киёфасини шакллантиришга имкон беради.

Замон илдамлаб бормокда ватанимизнинг келажаги ёшлар ва етук мутахассислар қулидадир. Шунининг олган ҳолда «Замонавий ўзбек ёшлари ва замон талаблари» мавзусидаги тадбирларни доимий ўтказиб бориш оркали касбий сифатларни шакллантириш ҳар бир касб эгасининг ўз касби бўйича ривожланиб бораётган янгиликлардан хабардор бўлишларини таъминлашга эриша олиш мумкин. Касб фестиваллари оркали «Бугун талаба эртага мутахассиси» мавзусидаги турли касб эгалари билан ташкил этиладиган учрашувларнинг ўтказилиб бориши касбга бўлган қизиқишни ортишига сабаб бўлиши мумкин. Касбий этика ва эстетика оркали ахлокий дунёқараш ва ахлокий бурчни ҳис қилишга ўргатиш мумкин. Чунки йиллар давомида меҳнат қилиш фидоий бўлиш ва ўз касбига бўлган садоқати оркали инсонлар ҷамиятга ўз ўрни ва мавқеиға эга бўлиши мумкин. Талабалар турар жойида «Устозлик шарафли касб» мавзусида фахрийлар билан учрашувлар олиб бориш мақсадга мувофиқ. Укувчилар ўртасида «Касбим – фахрим менинг» мавзусидаги иншолар танлови ва ўзи билган машҳур инсонлар билан интервьюларни ташкил қилиш мусобақаларини ўтказиш самарали натижа беради.

II.2. Меҳнат таълими дарсларида ўкувчиларида касбий-ахлоқ меъёрларини шакллантиришга қаратилган ўкув-тарбиявий ишлар мазмуни

Ўқитувчилик фаолияти ўз моҳиятига кўра ахлокий характерга эга. Педагогик фаолиятнинг бундай хусусияти барча фан ўқитувчиларига,

тарбиячилар, синф ва мактаб раҳбарларига бирдек тааллуқлидир. Барча педагогик ходимларнинг ҳар бир сўзи ва амалий ҳатти-ҳаракатлари ўқувчиларга, тарбияланувчиларга умуминсоний ва миллий ахлоқни сингдириш мақсадига хизмат қилиши лозим. Бу иш ўз навбатида муаллим ва ўқувчилардан ахлоқ назарияси, ахлоқий тасаввур ва тушунчалар, ўқитувчи одобига доир билимларини мунтазам равишда ошириб боришни муҳокама, мулоҳаза қилиб, унинг моҳиятини тушуниш, мағзини чақишни талаб этади. Мураккаб ахлоқий ҳодисаларнинг моҳиятини ўқувчиларга тушунтириш масъулиятли иш бўлиб, бунинг учун муаллим ўқувчиларнинг ёши, савиясига мос, улар тушунадиган мисолларни излаб топиши, танлаб олиши керак.

Педагогик фаолият ўқитувчидан ахлоқий маърифатли, яхши ҳулқ эгаси бўлишни; ахлоқий тажрибага эга бўлишни, ўз-ўзини мунтазам равишда ахлоқий жиҳатдан тарбиялаб боришни талаб этади, шу билан бирга муаллим ўқувчиларга мунтазам равишда ахлоқдан сабоқ бериб, уларни ахлоқий билимли қилиши; болаларга яхши ҳулқий одатларни амалда бажартириб, машқ қилдириб, ахлоқий тажриба орттиришларига қўмаклашиши; ўқувчиларни ҳам ўз-ўзини тарбиялаб боришларига эришиши зарур.

Ахлоқий маърифат педагогик фаолиятнинг таркибий қисми бўлиб, унинг мақсади умуминсоний ва миллий ахлоқнинг моҳиятини, қонуниятларини унинг тамойиллари, талаблари, қоидаларига доир билимларни, ахлоқнинг одамлар ҳаётидаги ўрни ва ролини муаллимнинг ўзи англаб олиши ва тарбияланувчиларга, ўқувчиларга сингдиришдир. Педагогик ходимларнинг ҳаммаси, барча фан ўқитувчиларининг фаолияти шу мақсадга қаратилиши зарур. Ўзбекистон мактабларида «Одобнома» ўқув предмети сифатида ўқитилаётгани ҳам ўқувчиларни ахлоқий маърифатли қилишдек муҳим вазифани тузукрок бажаришга, ўқувчиларнинг ахлоқий тарбиясини яхшилашга даъват этилган.

Ўқувчиларни ахлоқий маърифатли қилиш бу уларни ахлоққа доир муаммолар, ахлоқий баҳо мезонлари билан таништириш киши бирор ишни қилаётганида фикри, сўзи, ҳулқи, ҳатти-ҳаракатларида масъулиятини ва эркинлик даражасини билиши, ҳар бир ҳаракатининг, ҳулқ-атворининг

окибатини кўз олдига келтириш лозимлигини ёшларга англатишдан иборат. Шу тарика ўқувчилар ҳаётнинг маъноси, яшашдан мақсад, бахт нима эканлигини англаб олишлари лозим.

Ахлокий маърифат шахсни ахлокий тарбиялашнинг биринчи босқичи бўлиб, ёшларни ахлоқ тўғрисида фалсафий таълимотларнинг мазмуни ва моҳияти, намунали ахлокий гоёлар, тамойиллар, қоидалар билан таништи- ради. Киши ҳулкига билимдан кура ҳам эътиқод кўпроқ туртки бўлади. Ахлокий билимлар ҳали эътиқод дегани эмас. Айрим ўқитувчилар бунинг фарқини ажрата олмай, ахлокий билим беришни ахлокий тарбия бериш деб тушунадилар. Шунинг учун ҳам улар кўпинча болага насихат қилиш, ахлоққа доир мавзуларда суҳбатлар ўтказиш билан чекланиб, болаларга яхши ишларни амалда бажартиришга, ахлокий кўникма ва малакалар ҳосил қилишга қамроқ эътибор берадилар.

Мактаблар тажрибасини қузатиш шундан далолат берадики, ўқувчилар «Одобнома» дарсларида, шунингдек жамиятшунослик, гуманитар фанларни ўқиш жараёнида «ахлоқ», «одоб» сўзларининг маъносини билиб оладилар. Урта Осиё халқларининг қадимий урф-одатлари, ахлоқ-одоби тарихини, Қуръони Қарим, Ҳадисларга доир билимларни ўрганадилар. Она Ватан тарихи, Спитамен, малика Тўмарис, Жалолиддин Манғуберди, Амир Темур қаби Ватан фидойиларининг жасоратлари билан танишадилар. Инсоний муносабатлар одоби саломлашиш ва ҳайрлашиш қоидалари, сўзлашув одоби қоидаларини билиб оладилар. Шунингдек, инсоний фазилатлар тозалик, озо- далик, поклик, соч-соқолни парвариш қилиш, пардоз-андоз одоби қоидаларини; ҳалол, ҳаром нималигини, чекиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик қаби зарарли одатлардан сақланиш ҳақидаги тушунчаларни оилавий ҳаёт одоби ва психологиясига доир билимларни ўрганадилар. Буларнинг барчаси ўқувчиларни ахлокий жихатдан маърифатли қилишга қаратилган.

Шу билан бирга уларда умуминсоний ва миллий ахлоқ қоидалари, талабларига мос равишда ҳаракат қилиш, уларга амал қилиш истаги, эҳтиёжи ҳам шаклланган бўлиши зарур. Одобнома машғулотларини ҳаёт билан боғлаш мақсадида синфдаги ўқувчининг бирор ноҳўя ҳатти-ҳаракатини

хадеб мисол тариқасида келтиравериш ҳам яхши натижа беравермаслигини унутмаслик даркор.

Ўқувчиларни ахлокий маърифатли қилиш воситаларидан бири уларга панд насихат беришдир. Насихатни албатта, ўрни билан ва меъёрида ишлатиш лозим. Акс ҳолда у насихат бозликка айланиб кетади. «Кексалар сиздек пайтида ундай қилган эдилар, бундай қилган эдилар. Сиз уруш нималигини, қийинчилик нималигини кўрмагансиз, башанг қийинасиз, тайёрга айёрсиз» қабилда таъна тошларини отиш, миннат қилиш ёшларнинг гашини келтириб, нафратини кўзгатиши мумкин. Кексалар ҳақида, уларнинг яхши анъаналари, одатлари ҳақида гапириш билан бирга ёшларнинг ҳам ибратли, яхши хулқини маъқуллаш ҳолисона баҳолаш даркор. Шунини унутмаслик лозимки, жамият ҳамма вақт олға қараб тараккий этади. Ёшлар ота-оналаридан кўра илғарилаб кетадилар. Улар хулқида бирор салбий ҳодиса ёки одобсизлик учраса, бунинг сабабларини аниқлаш лозим. Кўпинча боланинг ёмон хатти-ҳаракатиға ота-она, катталар сабаб бўлиши бу нотўғри тарбия оқибати эканлиги маълум бўлади.

Муаллим бирор ахлокий қусурни ўқувчилар билан таҳлил этаётганида, иложи борица, синфда турган ўқувчини мисол тариқасида келтирмаслиги ёки «ўқувчилардан қайси бири бунга ўхшайди» деб, дарсни бўшроқ ўзлаштирадиган ёки шўхрок болага ишора қилмаслиги лозим. Бундай «ахлокий маърифат» болани ҳақоратлашға айланиши, ёмон оқибатларға олиб қилиши ҳам мумкин.

Болаларни ахлокий маърифатли қилиш учун муаллим ўқувчиларнинг ҳиссиётиға таъсир ўтказадиган воситалардан фойдаланиши керак. Бунда бадиий адабиёт жуда кўл келади. Масалан, Ҳадисларнинг мазмунини ифодалаган шеърлар Алишер Навоийнинг «Қирк ҳадиси» Абдулла Ориповнинг «Ҳаж дафтари» ва бошқа китоблардан фойдаланиш ахлокий сабоқ машғулотларини жонлантиради, тарбиявий таъсирини оширади.

Ўқувчиларни ахлокий маърифатли қилишда маънавий-маърифий тадбирлар муҳим роль ўйнайди. Коллежларида одоб-ахлоқ тарбияси буйича

бир неча хил маънавий-маърифий тадбирлар утказилиши бунга яккол мисол бўла олади.

Муаллимнинг ахлокий-маърифий фаолияти самарали бўлиши учун у, ўқувчи ёки талабанинг ахлокка доир билим даражасидан хабардор бўлиши керак. Болалар билан яккама-якка суҳбатлар ўтказиш, савол-жавоб кечаларини ташкил этиш, машгулотлар жараёнида ахлокка доир саволлар бериш кабилар бунда кўл келади. Ўқитувчи бола-ларни ахлокий маърифатли қилиш жараёнида шуни эсда тутиши лозимки, «Хаётнинг маъноси нимадан иборат?», «Кимни бахтли дейиш мумкин?», «Бахтлиликни «ўлчайдиган тошу тарози, мезонлар борми?» каби ахлокий масаладарга ёшлар ҳамма вақт қизиққанлар ва қизикадилар.

Шунингдек, оилавий ҳаёт, жинсий одоб муаммоларининг ахлокий жихатлари ҳам ёшларни ўзига жалб этади. Бундай суҳбатлар чоғида синфдаги бирор боланинг салбий хатти-ҳаракати ҳақида гап очилган бўлса, жуда эҳтиёт бўлиш, боланинг шахсига тегмаслик, аксинча, муаллим бола шахсига ва унинг кадр-қимматига инсон сифатида қараши, ҳурмат билан ёндошиши зарур.

Муаллим ўқувчиларни ахлокий маърифатли қилишда «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи», «Маърифатнома» каби телекурсов материаллари ҳам фойдаланиши муҳимдир. Ўқувчиларга ахлокий сабоқ беришда кинофильм ва телефильмлардан кўл келадиганларини танлай билиш лозим. Шу билан бирга телеэкран, киноэкранларда намоёниш этилаётган айрим чет эл фильмлари ҳалқимизнинг тарихан қарор топган миллий қадриятлари, урф-одатлари, ахлокига тўғри қелмаслигини ҳам ўқувчиларга тушунтириш даркор.

Ўқувчиларда ахлокий тажриба ҳосил қилиш педагогик фаолиятнинг муҳим жихатларидан бири бўлиб, у ижобий ахлокий хатти-ҳаракатларни бажартириш, машқ қилдиришдан иборат. Бу жараёнга ўқитувчилар ва ота-оналар раҳбарлик қиладилар. Ўқитувчи бу ишга педагогикадан билимдон мутахассис сифатида ёндошиши, болага ахлокий таъсир ўтказиши мумкин бўлган барча омилларни ҳисобга олиши лозим.

Ўқувчиларни фойдали меҳнатнинг хилма-хил турларига жалб этиш ахлокий тажриба орттиришнинг муҳим шартидир. Болани ахлокий жихатдан тарбиялашда меҳнат фаолиятининг аҳамияти катта. Меҳнат жараёнида тежамкорлик, ҳамкорлик, ўз-ўзига ва тенгдошларига талабчанлик, меҳнатсеварлик, уддабуронлик каби ахлокий фазилатлар шаклланади.

Ахлокий машқларни бажартириш жараёнида коллеж, оила, ўқитувчилар, ота-оналар болага нисбатан бир хил талаб қўя билишлари муҳимдир. Айрим оилаларда ота-оналар ўзлари сезмаган ҳолда болалари калбига кайсарлик, ўжарлик, ўзбошимчалик, очкўзлик, катталарга ишонмаслик уругини сепган бўладилар. Бундай болаларга яхши ишларни бажартириш, эзгу хулқларни машқ килдириш анча қийин кечади. Бундайлар орасидан «тарбияси қийин» болалар етишиб чиқади. Кайсар бола қўпинча кичиклигида катта ёшдаги кишиларнинг яхши нияти, одиллигига ишончини йўқотган бўлади. Боланинг мургак калбида пайдо бўлган бу ишончсизлик аста-секин душманликка, шафкатсизликка айланади ва уни жўрттага осон ишлар қилишга ундайди. Бундайларни гап, насихат билан тузатиш амри маҳол, уларни амалий ишларга фаол жалб этиш лозим. Чунки иллат боланинг калбини, вужудини бутунлай эгаллаб олади. Синф раҳбари, ўқитувчи бундан кеч хабар топса ҳам, бола калбини бу шумғиядан тозалашни ўз бурчи деб билиши керак, оиладаги жаҳолат асоратини инсонийлик, адолат, хайрихоҳлик, хушёрлик билан бартараф этиш зарур. Уз хулқидаги нуксонни йўқотишда болага амалий ёрдам даркор. Педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчигина бола калбига йўл топиб, унга яхши ишларни амалда бажартириб, машқ килдириб, ундаги кайсарликни бартараф этиши мумкин. Бадиий адабиётда, педагогик амалиётда бундай мисоллар қўплаб учрайди.

Ўқитувчининг ахлокий киёфаси, ибрат-намунаси болага ҳар қандай насихатдан кўра кучлироқ таъсир этади. Ўқитувчининг фидойи ишларини, меҳнати, яхши хатти-ҳаракатларини кўрган ўқувчи унга эргашади. Муаллимнинг болалар билан бирга ишлаши, бирга овқатланиши кабилар ҳам ахлокий таъсир ўтказишда муҳимдир. Ўқитувчи «мулланинг айтганини қилу, қилганини қилма» кабилида иш тутиши асло мумкин эмас. Киши ўзига

нимани раво курса, бошкардан ҳам ўшани талаб этиши ахлокий таъсир ўтказишнинг самарали усулидир.

Ахлокий фаолият жараёнида инсоннинг ўзи ҳам, билимлари, дунекараши, эътиқоди ҳам ўзгара боради.

Ижодий фаолият жараёнида инсонда ўз-ўзини бошқариш қобилияти ҳосил бўлади, у ўз истакларини ўз иродасига бўйсундириш имкониятига эга бўлади. Кишининг ўз шахсини ахлокий идеаллар, ахлокий билимлар, эътиқодлар асосида шакллантириш мақсадига йўналтирилган фаолияти ўз-ўзини ахлокий тарбиялашдир. Бу жамиятда амалга оширилаётган ахлокий тарбия жараёнининг давоми, ахлокий фаолият шаклларида биридир.

Шахснинг ахлокий камолоти жамоада, актив фаолият натижасида содир бўлади. Ижтимоий муносабатлар жараёнида киши ўзида маълум бир ахлокий қарашларни ҳосил қилади, бу қарашлар ўз навбатида унинг ҳулкига, ҳатти-ҳаракатларига таъсир этади. Кишининг жамиятда эгаллаган ҳолати, қасби ҳам унинг онги ва ҳулкига таъсир ўтказади. Ахлокий камолотнинг бу қонуниятлари ўз-ўзини. ахлокий тарбиялаш жараёни ҳам ижтимоий ҳаёт талаблари билан узвий боғлиқ эканлигидан далолат беради. Ўз-ўзини ахлокий тарбиялашнинг моҳияти жамиятнинг ривожланиши, давлатнинг таракқиётига йўналтирилган бўлиши, унга хизмат қилиши лозим.

Ўз-ўзини ахлокий тарбиялаш бу кишининг ижтимоий тажрибада мавжуд бўлган ва шу жамият аъзоларининг онгида мустаҳкамланиб қолган ахлокий одатлар ва сифатларни эгаллаб олишга йўналтирилган фаолиятидир. Демак, ўз-ўзини ахлокий тарбиялаш ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамият талаблари асосида белгиланади.

Ўз-ўзини ахлокий тарбиялаш ҳар бир шахснинг меҳнат жамоалари, маълум бир гуруҳ, қасб эгаларининг меҳнат фаолиятида қатнашиши жараёнида юз беради. Жамиятда ахлокий тарбиянинг ва ўз-ўзини тарбиялашнинг мақсади ва мазмуни бир хил бўлади. Бу мақсадга эришиш ахлокий тарбиянинг натижаси ва жамиятни таракқий эттиришнинг шарти ҳамдир. Шунинг учун ҳам ўз-ўзини ахлокий тарбиялаш масаласи педагогик фаолиятда муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчилар назарида муаллим инсон камолотининг кўзгуси ҳисобланади. Ўқувчилар муаллим тимсолида барча яхши фазилатларни мужассам кўришни истадилар. Лекин, радио, телевидение, оммавий ахборот воситалари кўпайган ҳозирги даврда муаллим ўқувчилар учун ахборотлар олишнинг ягона манбаи эмас. Эндиги болалар муаллимнинг фазилатлари ва ҳислатларини бошқалар билан таккослаш имкониятига кўпроқ эгадирлар. Шунинг учун ҳозирги давр ўқитувчиларининг ахлокий кифасига кўйиладиган талаблар жуда юксакдир. Бу эса ўз навбатида муаллимдан ўз билимларини мунтазам ошира бориш ва ўз-ўзини ахлокий тарбиялаб боришни талаб этади.

Ўқитувчи ўз-ўзини ахлокий тарбиялашининг моҳияти ахлокий идеал талабларига мос равишда ўзининг фазилатлари, одатлари ва ҳислатларини такомиллаштириб, ўзгартириб боришни онгли равишда белгилаб олишдан иборат. Ўқитувчининг кўз ўнгида инсон камолотининг юксак тимсоли бўлиш учун муаллим ўз билимларини мунтазам тўлдира бориш билан бирга келажакка ишонч билан қараши, олижаноблик ва одиллик фазилатларини ўзида мужассамлантирган бўлиши даркор. Бу мақсадга эришиш муаллимдан ўз-ўзини ахлокий тарбиялаш борасида мунтазам ва астойдил ҳаракатни талаб этади.

Муаллимдан ўз ахлокий фазилатларини такомиллаштиришни талаб этувчи омиллардан яна бири болалар орасида, педагоглар жамоаси, ота-оналар жамоасида обрў орттиришга интилишдир. Бу ҳам муаллимни ўз-ўзини ахлокий тарбиялашга даъват этувчи омиллардандир. Муаллимнинг обрўси эса унинг педагогик маҳорати, таълим-тарбия ишига бўлган муносабатига, мафкуравий ва назарий тайёргарлигига, фаоллигига, ўқувчилар ва ота-оналар билан ишлаш усуллари, оиладаги ҳулкига, билим савиясига, ўқувчилар ва ўз касбдошларига ҳайрихоҳлиги, қабилага боғлиқ. Бу фазилатларни ўқитувчи педагогик фаолият жараёнида эгаллайди ва ўз-ўзини ахлокий тарбиялаш йўли билан такомиллаштиради.

Ўқувчиларнинг муаллимга иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлишлари ҳам ўқитувчиларнинг ишига туртки бўлади. Муаллим педагогик маҳоратни

эгалламасдан туриб обрў орттириб бўлмаслигини англаса, ўз билимларини орттиришга интилади, дарсларга пухта тайёргарлик кўради. Айрим ўқитувчилар ўқувчининг хулки ва ўқишидаги нуксонларга бепарволик қилиб, айримлари эса бошқа касбдошлари обрўсини ерга уриш билан ўқувчилар олдида обрў орттиришга интиладилар. Бу йўллар билан ҳеч қачон ҳақиқий обрўга эришиб бўлмайди.

Муаллимни ўз-ўзини ахлокий тарбиялашга ундовчи омиллардан яна бири сўз ва ишнинг бирлигига интилиш, тарбияланувчилар учун ибрат бўлиш истагидир. Шунингдек, ўқитувчининг дарсга кечикиб келиши болаларнинг ҳам дарс қолдиришлари ва кечикишларига сабаб бўлиши мумкин.

II.3. Меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларида касбий ахлоқни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзлуксиз таълим тизими ривожланишининг ҳозирги шароитида ўқувчилар билан олиб бориладиган касб-ҳунарга йўналтириш ишларини такомиллаштириш, уларни онгли касб танлашга, келгусидаги касбини ўзи белгилашга тайёрлаш умумтаълим муассасаларининг муҳим вазифаларидан саналади. Ушбу вазифаларни ҳал этиш, мактабда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришни илмий-методик ва дастурий таъминлаш юзасидан Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, психологик-педагогик Республика таъхис маркази томонидан қуйидаги йўналишларда иш олиб борилмоқда:

- Касб-ҳунарга йўналтиришнинг назарий ва услубий асосларини яратиш;
- Ўзлуксиз касб-ҳунарга йўналтириш дастури;
- Мактабда касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг меъёрий асослари-меъёрий ҳужжатлар, низомларни ишлаб чиқиш;

- Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари ва мактаблар учун ахборот, услубий, дастурий материалларни тайёрлаш;
- Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик - педагогик ташхис методикалари (анкеталар, сўровномалар, тестлар) ни тайёрлаш, уларни ўтказиш, натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш;
- Турли ёшдаги ўқувчилар учун касб-ҳунарга йўналтирувчи ўқув - кўргазмалар воситалар, ривожлантирувчи ўйинларни тайёрлаш;
- Мактабларнинг раҳбарлари, психологлари ва ўқитувчилари учун касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш юзасидан услубий тавсиялар ва қўлланмалар яратиш.

2006-2007 ўқув йилида Республика ташхис маркази томонидан ўқувчиларни узлуксиз касб-ҳунарга йўналтириш Дастури ишлаб чиқилди, Халқ таълими вазирлиги томонидан (2007 йил 5 февралдаги 35-сонли буйруқ) тасдиқланиб, амалиётга киритилди.

Ушбу дастурда касб-ҳунарга йўналтиришнинг аниқ мақсадлари, вазифа ва йўналишлари, мактаб ўқувчилари билан олиб бориладиган касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг қуйидаги босқичлари белгилаб берилган:

Биринчи босқич – “Касблар алифбоси” билан танишиш, эрта касб-ҳунарга йўналтириш;

Иккинчи босқич – “Ким бўлсам экан?” – бошланғич касб-ҳунарга йўналтириш;

Учинчи босқич – “Касблар оламига саёҳат” – ривожлантирувчи касбга йўналтириш;

Тўртинчи босқич – “Мен орзу қилган касб” – шахснинг касбий йўналганлигини шакллантириш ва ривожлантириш;

Бешинчи - якуний босқич - касбий мослашиш, касбий ўсиш ва шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши.

Ушбу дастурнинг бажарилишини илмий-услубий таъминлаш мақсадида қуйидаги услубий ишланмалар яратилиб, жойларга фойдаланиш учун етказилди: 1-2-3-4 синф ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш

юзасидан машғулотлар ишланмалари, “Касблар ўйини” методик қўлланмаси, “Касблар алифбоси” кўргазмалари оммабоп ўқув қўлланмаси.

Касб-ҳунарга йўналтиришнинг илмий-методик ва дастурий таъминоти “Касб-ҳунарга йўналтириш Концепцияси”нинг ажралмас қисми бўлиб, ҳар бир ўқувчининг касб-ҳунарга ҳамда кадрлар тайёрлаш йўналишлари (академик лицей ёки касб-ҳунарга коллежи)ни танлашда фаол иштирок этишини таъминлашни назарда тутди.

Мақтаб касб-ҳунарга йўналтирувчи мутахассисига ҳозирда ҳар бир ўқувчида мустақил касб танлашга ижобий муносабатни, қизиқиш ҳамда эҳтиёжни шакллантириш бирмунча қийин кечмоқда. Илмий нуқтаи назардан қараганда шахснинг касб танлаши ижтимоий, иқтисодий, демографик, психологик-педагогик омиллар таъсирига боғлиқдир. Бунда айниқса, Ўзбекистонда тарихан шаклланган фаолият турлари, халқ ҳунаромандчилиги ва замонавий касб-ҳунарлар спецификасини белгиловчи миллий анъаналар муҳим роль ўйнайди.

Касбга йўналтириш тизимини ривожланиши ва унинг таълим тизимини ривожланишидаги ўрни шундаки, касбга йўналтириш, ўсиб келаётган ўқувчи ёшлар касблар олами тўғрисида тасаввурга эга бўлишлари, уларни кейинчаликда тўғри, ўз имкониятлари, қизиқишлари ва қобилиятларига асосланиб касб танлашларини таъминлаб беришдир. Бундан шу хулоса келиб чиқадики, тўғри касб танлаган, шу, касбини етук мутахассиси бўлиб етишган шахс, кейинчаликда, биринчидан:

- Давр талаби, яъни давлатнинг кадр потенциалини оширишда;
- Ўз касбини мутахассиси бўлиб етишим, давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларига ўз хиссаси қўшишда;
- Замон талабларига мос равишда, иқтисодий ривожланиш темплари билан ҳамнафас бўлган ҳолда ўз билим ва салоҳиятларини амалда қўллаш ва тизимдаги камчиликлар ва ўзгартириш керак бўлган жойларини аниқлаб ва муаммоларга тўғри ечим топлари, ва ҳ.к.з, қабил критерийларга жавоб бериб ва шу хусусиятларга эга бўлган шахслар, нафақат ўзи учун, балки

келгусида, у ёки бу касб эгаси бўлган тақдирда шу йўналишни ривожланиши ва такомиллашиши йўлида иш юритишидир.

Куйида умумтаълим мактабларида меҳнат таълими дарсларида йўналишлар бўйича касб танлашга оид мавзулар курсатилган:

8-sinf

TEKNOLOGIYA VA DIZAYN YO`NALISHI

T/r	Mavzular	Soati
	Kasb tanlashga yo`llash	4 soat
31	Kasblar tasnifini, kasblardamehnat turlarining (odam-tabiat, odam-texnika, odam-odam, odam-belgili tizim, odam-badiiy obraz) ta`rifi.	1
32	Kasb-hunar egallashdainson salomatligiga qo`yilgan talablar	1
33	O`zbekistonda uzluksiz ta`lim tizimi. Akademik litseylar va kasb-hunar kollejarining yo`nalishi, ularning bir-biridan farqi, umumiy tomonlari. O`quvchi yoshlarni kasb-hunarga yo`naltirish tizimi.	1
34	Amaliy mustaqil ishlar: Kasblarni tasniflash bo`yichatopshiriqlar bajarish. Tanlangan kasb-hunar turini egallashdainson salomatliga qo`yilgan talablar haqidareferat tayyorlash.	1

SERVIS XIZMATI YO`NALISHI

T/r	Mavzular	Soati
	Kasb tanlashga yo`llash	4 soat
31	Kasblar tasnifini, kasblardamehnat turlarining (odam-tabiat, odam-texnika, odam-odam, odam-belgili tizim, odam-badiiy obraz) ta`rifi.	1
32	Kasb-hunar egallashdainson salomatligiga qo`yilgan talablar	1
33	O`zbekistonda uzluksiz ta`lim tizimi. Akademik litseylar va kasb-hunar kollejarining yo`nalishi, ularning bir-biridan farqi, umumiy tomonlari. O`quvchi yoshlarni kasb-hunarga yo`naltirish tizimi.	1

34	Amaliy mustaqil ishlar: Kasblarni tasniflash bo'yichatopshiriqlar bajarish. Tanlangan kasb-hunar turini egallashdainsan salomatliga qo'yilgan talablar haqidareferat tayyorlash.	1
----	---	---

QISHLOQ XO`JALIGI YO`NALISHI

T/r	Mavzular	Soati
	Kasb tanlashga yo'llash	4 soat
31-32	Kasblar tasnifini, kasblardamehnat turlarining (odam-tabiati, odam-texnika, odam-odam, odam-belgisi tizimi, odam-badiiy obraz) ta'rifini. Kasb-hunar egallashdainsan salomatligiga qo'yilgan talablar	2
33-34	O'zbekistonda uzluksiz ta'lim tizimi. Akademik litseylar va kasb-hunar kollejlarning yo'nalishi, ularning bir-biridan farqi, umumiy tomonlari. O'quvchi yoshlarni kasb-hunarga yo'naltirish tizimi.	2
	Amaliy mustaqil ishlar: Kasblarni tasniflash bo'yichatopshiriqlar bajarish. Tanlangan kasb-hunar turini egallashdainsan salomatliga qo'yilgan talablar Haqida referat tayyorlash.	

9-SINF

TEXNOLOGIYA VA DIZAYN YO`NALISHI

T/r	Mavzular	Soati
	Kasb tanlashga yo'llash	8 soat
27	Kasb tanlashgadoir rejatuzish. Kasb tanlashdagi xatolar vaqiyinchiliklar.	1
28	Kasbni to'g'ri tanlashning mohiyati va istiqboli. Kasb tanlashda shaxs, kasbiy qiziqish, moyillik va qobiliyatlarini e'tiborga olish.	1
29	Kasb tanlashdagi ongliklik vamustaqillik	1
30	Kasblarning murakkablik omillarini tahlil qilish	1
31	Kasbgayaroqlilikni belgilash va kasbgamoyillikni tarbiyalash usullari.	1
32	Amaliy mustaqil ishlar: Kasbga doir shaxsiy reja tuzish. Tanlangan kasbhunarga doir ma'lumotlar to'plash va tahlil qilish. NI -4	1

33	Kasbiy qiziqish va moyilliklarni aniqlash bo'yicha amaliy mashqlar bajarish.	1
34	Kasb egallash va ishga joylashishga doir shaxsiy rejani referat shaklida tayyorlash va himoya qilish	1

SERVIS XIZMATI YO`NALISHI

T/r	Mavzular	Soati
	Kasb tanlashga yo'llash	8 soat
27	Kasb tanlashgadoir reja tuzish. Kasb tanlashdagi xatolar va qiyinchiliklar.	1
28	Kasbni to'g'ri tanlashning mohiyati va istiqboli. Kasb tanlashda shaxs, kasbiy qiziqish, moyillik va qobiliyatlarini e'tiborga olish.	1
29	Kasb tanlashdagi onglilik vamustaqqillik	1
30	Kasblarning murakkablik omillarini tahlil qilish	1
31	Kasbgayaroqlilikni belgilash va kasbga moyillikni tarbiyalash usullari.	1
32	Amaliy mustaqil ishlar: Kasbga doir shaxsiy reja tuzish. Tanlangan kasbhunarga doir ma'lumotlar to'plash va tahlil qilish. NI -4	1
33	Kasbiy qiziqish va moyilliklarni aniqlash bo'yicha amaliy mashqlar bajarish.	1
34	Kasb egallash va ishga joylashishga doir shaxsiy rejani referat shaklida tayyorlash va himoya qilish	1

QISHLOQ XO`JALIGI ASOSLARI YO`NALISHI

T/r	Mavzular	Soati
	Kasb tanlashga yo'llash	8 soat
27-28	Kasb tanlashga doir reja tuzish. Kasb tanlashdagi xatolar va qiyinchiliklar.	2
29-30	Kasbni to'g'ri tanlashning mohiyati vaistiqboli. Kasb tanlashdashaxs, kasbiy qiziqish, moyillik va qobiliyatlarini e'tiborga olish.	2
31-32	Kasb tanlashdagi onglilik va mustaqillik. Kasblarning murakkablik omillarini tahlil qilish. NI-4	2
33-34	Kasbgayaroqlilikni belgilash va kasbgamoyillikni tarbiyalash usullari.	2

	Amaliy mustaqil ishlar: Kasbga doir shaxsiy reja tuzish. Tanlangan kasbhunarga doir ma'lumotlar to'plash va tahlil qilish. Kasbiy qiziqish va moyilliklarni aniqlash bo'yicha amaliy mashqlar bajarish. Kasb egallash va ishga joylashishga doir shaxsiy rejani referat shaklida tayyorlash va himoya qilish.	
--	---	--

Касб-хунарга йўналтиришнинг асосий тамойиллари.

- Жамият эҳтиёжлари ва замонавий илмий талабларнинг мос келиши;
- Шахс ва жамият эҳтиёжлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш;
- Ёшлар ўртасидаги касбларни танлашдаги ихтиёрийлик билан амалдаги имкониятлари орасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш;
- Касб танлашнинг онглилиги;
- Касб танлашда ёшларнинг мустақиллиги;
- Касб танлашнинг ихтиёрийлиги;
- Касбни ўз вақтида танлаш.

Касбга йўналтириш ишлари бўйича ватанимиз ва чет эллардаги тажрибалар таҳлили ривожланаётган давлатларга ҳам, жуда ривожланган давлатларга ҳам тааллуқли бўлган айрим умумий «оғриқ нуқталарни» аниқлаш имконини берди. Улардан айримларини белгилаб оламиз.

Биринчи олинган касбий маслаҳатлардан (бу эса, одатда ўрта ва юқори синф ўқувчилари) касб-хунарга бўйича сезиларли натижаларга эришгунга қадар кўп йиллар ўтади. Айрим инсон томонидан қўлга киритилган ютуқлар одилона ўша инсоннинг шахсий фазилатлари, касб-хунарга таълими муассасасининг, меҳнат жамоасининг таъсири натижаси деб ҳисобланади, лекин касбга йўналтириш хизматининг эмас. Бу тўғрида узок йиллар ўтганлиги сабабли унутиб қўйишади.

Касбга йўналтириш фаолиятининг сезиларли ва ўша заҳоти олинadиган натижаларининг йўқлиги бошқа салбий оқибатларга олиб келади. Касбга йўналтириш ўзининг фаолият кўрсатиш ҳуқуқини исботлаш учун кунма-кун ҳаракат қиладиган хизматга айланиб қолди.

Касбга йўналтириш хизматлари масалан, масалан кам нуфузли ўқув юртларининг тўлдирилиш фоизлари ёки ёшларни маоши кам тўланадиган, иш шароити оғир бўлган корхоналарга ишга жойлаштириш тўғрисида ҳисобот берадилар.

Ҳар қандай киши ўз ҳаётини яхшилаши учун, биринчидан, бунга хоҳлаши, иккинчидан, бунга ўзи тайёр бўлиши ва яна, бунга эришиш учун ҳаракат қилиши керак.

Ўспиринлик ёши-ўзлигини англаш ва дунёқарашнинг шаклланиш даври. Ўспиринни “Мен кимман?”, “Қандай одамман?”, “Мен нимага интиляпман?” деган саволлар ўйлантириши табиий ҳол.

Ўзлигини англаш – бу ўз ички дунёсини кашф қилиш, у ҳақда яхлит бир тасаввурга эга бўлиш, ўз-ўзига эмоционал муносабат, ақлий, ахлоқий ва ғарбавий сифатларини баҳолаш (ўз-ўзини баҳолаш)дир.

Ўспиринлик ёшида ўзликни англашнинг жуда муҳим компоненти - ўз ҳатти-ҳаракати учун жавобгарлик ва унинг натижаси (яхшими, ёмонми!)га фақат ўзи сабабчи эканлигини ҳис қилиш хусусияти шаклланади. Бу ёшда «Ким бўлсам экан?» саволи ўспириннинг ўй-фикрини қамраб олади.

Ўқувчи-ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш жараёни ташкилий жиҳатдан кўпроқ педагогик характерга эга бўлсада, у мазмунан психологик моҳиятга эга. Чунки, барча педагогик тадбирлар (ташқи таъсир) ўқувчининг касбий ўзлигини англаш ва онгли касб танлаши учун хизмат қилади, унинг касбий ўзлигини англаш жараёни (ички таъсир) эса психологик қонуниятлар асосида кечади. Касб-ҳунарга йўналтириш жараёнида ташқи ва ички таъсирларнинг муштараклашуви оқибатида ўқувчида ички позиция шаклланади. Демак, бу жараён энг аввало касбий ўзликни англашга йўналтирилган экан.

Ҳозирда умумтаълим мактабларида амалга оширилаётган касбга йўналтириш ишларининг якуний босқичида битирувчиларга ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари тайёрлов йўналишларига тавсиялар берилади. Бу тавсиялар ўқувчиларнинг мойиллик, қизиқиш ва

қобилиятларини узлуксиз психологик-педагогик ташхис қилиш хулосаларига асосланган бўлсада, битирувчиларнинг кўп қисми объектив, субъектив сабабларга кўра, коллеж ва лицейни танлашда касбий мотивларини ўзгартирадilar. Ўқувчиларни онгли касб-хунар танлашга тайёрлаш ишларининг самарадорлигига таъсир этувчи яна бир омил – уларни касб-хунарга йўналтириш жараёнига интерфаол психологик, педагогик технологияларни тадбиқ этиш ва касбий психологик-педагогик ташхиснинг узлуксизлигига эришишдир.

Касбий психологик-педагогик ташхис фақат битта-иккита методикани ўтказиш билан эмас, балки касблар тўғрисида маълумот бериш ва касбий маслаҳат ишлари билан уйғунлашиб кетган, коррекцион-ривожлантирувчи хусусиятга эга бўлган жараён сифатида амалга оширилиши керак.

Психологик-педагогик ташхис ўтказиш жараёни:

- ташхис объекти ва муаммони белгилаш
- ташхис методикасини танлаш ёки ишлаб чиқиш
- ташхис ўтказиш
- натижаларини қайта ишлаш ва интерпритация
- натижалар асосида касбга йўналтириш тадбирлари ёки тавсияларни тайёрлаш
- тадбирларни амалга ошириш
- қайта ташхис ўтказиш, сифат ўзгаришини аниқлаш. Коррекцион-ривожлантириш ишларини белгилаш

Узлуксиз касбий психологик-педагогик ташхис, ўқувчиларнинг туғма лаёқат, қизиқиш ва қобилиятларини ўрганиш давомида, уларнинг касбий мотив, шахсий режаларини ҳам коррекциялаб бориш имконини беради. Бундан ташқари, психологик-педагогик ташхис касб-хунарга йўналтириш мазмунини белгилаш, натижани таҳлил этиш ва навбатдаги босқичда амалга оширилиши керак бўлган ишни асосли режалаштиришга хизмат қилади.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис қилишда қуйидаги методикаларни қўллаш тавсия этилади:

1. Қизиқишлар анкетаси
2. Касб танлаш мотивини аниқлаш
3. Касб типларини аниқлаш
4. Касбий мойиллик сўровномаси.

Бу методикалар орқали ўқувчиларда қандай касбларга оид қизиқишлар мавжудлиги, ўқувчида у ёки бу касбга мойиллик ёрқин ифодаланган бўлса ва у муайян бир касбни танлаган бўлса, унда айнан шу касбни танлаш мотиви қандай эканлигини билиш, қайси типдаги касбни кўпроқ хохлаши ва унга мойиллигини аниқлаш мумкин. Методикалар аввалгиларига қараганда ихчамлаштирилган, кўп вақт талаб қилмайди, саволлар қайтарилмайди, ўқувчилар учун қулай ҳолатга келтирилган.

1. Қизиқишлар анкетаси

Ушбу сўровнома синалувчиларнинг у ёки бу фаолият турига қизиқиш даражасини аниқлашга мўлжалланган. Унинг ёрдамида олинган маълумотларга асосланган ҳолда юқори синф ўқувчиларига (8-9 синфлар) касб танлаш, касбга йўллаш масалаларига оид маслаҳатлар бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу сўровнома билан ишлашда психолог олдиндан барча синалувчиларга етадиган миқдорда жавоб варақаси тайёрлаб олиши керак бўлади. Сўнг тадқиқотни синалувчиларга бериладиган қуйидаги кўрсатма бўйича амалга оширади. Сўровнома матнини ҳар бир синалувчига алоҳида қилиб бериш ҳам мумкин, лекин уларнинг жавоб бериш вақти чегараланганлиги ҳақида огоҳлантириб қўйиш керак (15-20 дақиқагача). Тадқиқот давомида синалувчига қулай шароитни яратиш, унга ҳалақит берувчи омилларни бартараф этиш, психодиагностик тадқиқотлар олиб бориш талабларига қатъий амал қилиш лозим.

2. “Касб танлаш мотивини аниқлаш”

Агар ўқувчида у ёки бу касбга мойиллик ёрқин ифодаланган бўлса ва у муайян бир касбни танлаган бўлса, унда айнан шу касбни танлаш мотиви қандай эканлигини билиш зарурати ҳам юзага келиб қолиши мумкин. Бу ўринда психолог қуйидаги «Касб танлаш мотивини аниқлаш» деб номланган

методикадан фойдаланиши мумкин. Касбий мотивация -касб танлашга сабаб бўладиган аниқ рағбатлантирувчи ҳаракатдир.

3. “Касб типларини аниқлаш”

Қуйида шахснинг ўзига ва ўз имкониятларига баҳо бериши учун қатор жумлалар, яъни тасдиқлар келтирилган. Агар ўқувчи ушбу тасдиқларга “ха”деб жавоб берса, у ҳолда жадвалдаги берилган рақамлар ёнига “+”, “йўқ” бўлса “-” белгиларини қўйиши, агар жавобида иккиланса рақамни ўчириб қўйиши сўралади.

Ўзини баҳолаш бўйича тасдиқлар	1. Табиат	2. Техника	3. Белги	4. Санъат	5. Инсон
1. Одамлар билан тез мулоқотга кириша оламан					1
2. Катта қизиқиш ва узок вақт бирор нарсани ўз кўлим билан яшашга қизиқаман.		1			
3.Музей, театр, кўرғазмаларга боришни ёқтираман.				1	
4. Доимо ҳайвонлар ва ўсимликларни парвариш қилишга қизиқаман.	1				
5. Узок вақт бирор нарсани ҳисоблашга оид ишларни бажаришга ёки чизмалар чизишга қизиқаман.			1		
6. Тенгдошларим ёки кичик					1

ёшдагилар билан мулоқот қилишдан ҳузурланаман.					
7. Ўсимликлар ва ҳайвонларни парвариш қилишдан роҳатланаман.	1				
8. Ёзма ишларни хатосиз ёзмаман			1		
9. Мени ясаган нарсаларим дўстларим ва катталарда қизиқиш уйғотади.		2			
10. Танишларим менда бадиий қобилият ривожланган деб ҳисоблашади.				2	
11. Ўсимликлар ва ҳайвонот олами ҳақида турли адабиётларни бажонидил ўқийман.	1				
12. Саҳна асарлари ва концертларда иштирок этишни ёқтираман.				1	
13. Турли асбоб ва механизмлар тўғрисида ўқишни ёқтираман.		1			
14. Узоқ вақт турли мантиқий бошқотирмалар, масалалар ва кроссвордлар ечишни ёқтираман.			2		
15. Одамлар ўртасидаги тушунмовчиликларни					2

бартараф қилишга ёрдам бера оламан.					
16. Техника соҳасида ишлашга қобилиятим етарли деб ҳисоблайман.		2			
17. Бадий ижод соҳасидаги фаолиятим танишларимга манзур бўлмоқда.				2	
18. Мен ўсимликлар ва ҳайвонот оламига оид фаолият билан шуғулланишга қобилиятим етарли даражада деб ҳисоблайман.	2				
19. Мен ўзимнинг фикрларимни ёзма равишда аниқ баён қила оламан.			2		
20. Мен ҳеч қачон ҳеч ким билан жанжаллашмайман.					1
21. Менинг техник ижодиёт соҳасидаги ютуқларимни барча танишларим қўллаб-қувватлаяптилар.		1			
22. Чет тилларни осон ўзлаштиряпман.			1		
23. Мен ҳар доим, ҳатто нотаниш одамларга ҳам ёрдам беришга ҳаракат қиламан.					2

24. Узоқ вақт мусиқа, расм чизиш ва китоб ўқиш билан шуғуллана оламан.				1	
25. Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ривожланиши билан боғлиқ тадқиқотлар ўтказишга қизиқаман.	2				
26. Механизм ва асбобларнинг тузилиши ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишга қизиқаман.		1			
27. Одатда кўпгина танишларим бирор-бир масалада менинг фикримга кўшиладилар.					1
28. Ўсимликларнинг ва ҳайвонларнинг ривожланишини кузатишга қизиқаман.	1				
29. Илмий-оммабоп, публистик (ижтимоий-сиёсий масаларга оид) ва танқидий асарларни ўқишга қизиқаман.			1		
30. Маҳорат сирларини, рассомлик, мусиқа соҳасини эгаллашга интилишим кучли.				1	
Натижалар					

Ҳар бир устун бўйича йиғиндини ҳисобланг (ўчирилган рақамлар ҳисобланмайди) ва натижалар қаторига ёзинг. Бир ёки бир нечта устунлар бўйича энг кўп балл ёки баллар тўпланса демак, шу типга хос бўлган касбларни ўқувчига тавсия этиш мумкин. Кам балл тўпланган устунлардаги касблар эса ўқувчиларга тавсия этилмайди. Ҳар бир устун бўйича максимал балл -8 балл.

Касб типлари:

- 1 — "Инсон-табиат";
- 2 — "Инсон-техника";
- 3 — "Инсон-белгилар тизими";
- 4 — "Инсон-бадиий образ";
- 5 — "Инсон-инсон".

4. “Касбий мойиллик сўровномаси”.

Ўқувчиларнинг касблардан бирига мойтллигини аниқлашнинг яна бтр методи бу касбий мойиллик сўровномасидир. Сўровнома жавоблари махсус жадвалда тўпланади ва таҳлил қилинади. Бу методика бошқа методикалар билан биргаликда ўтказилади ва касб-хунарларни танлашда ўқувчиларга ёрдам бериши мумкин.

Сўровнома натижалари таҳлили қуйидагича расмийлаштирилади:

- 10-12 балл – ёрқин ифодаланган касбий мойиллик
- 7-9 балл - аниқ турдаги фаолиятга касбий мойиллик
- 4-6 балл- суст ифодаланган касбий мойиллик
- 0-3 балл- касбий мойиллик ифодаланмаган.

Қизиқишлар сўровномаси

Кўрсатма: куйидаги саволларни диққат билан ўқинг ва жавоб беринг. Агар сиз саволларда берилган соҳага қизиқсангиз, ёқтирсангиз жавоб варақасида савол рақамига мос рақам ёнига «+», ёқтирмасангиз, хоҳламасангиз, «—» иккилансангиз, тўлиқ ишончингиз бўлмаса «х» белгисини қўйинг. Барча саволларга жавоб беришингиз шарт ҳамда ҳақоний бўлишингизни сўраймиз. Марҳамат:

Сизга ёқадими?, яхши кўрасизми?

1. Физика ва математика фанлари.
2. Химия дарслари.
3. Маиший электр ва радио ашёлар билан ишлаш.
4. Ҳар хил мамлакатлар билан географик карта ёки улар ҳақидаги мақолалар орқали танишиш.
5. Техника мавзусидаги журнал вамақолаларни ўқиш.
6. Жаҳон мумтоз адабиётини ўқиш.
7. Педагоглар ҳаёти китобларни, мақолаларни ўқиш.
8. Тарих фани.
9. Медицина соҳасидаги янгиликлар, табибилар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўқиш.
10. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан танишиш.
11. Ўзингиз яшаётган, ўқиётган хоналарнинг шинам ва саранжом-саришта бўлишига эътибор бериш.
12. Театр, музей, кўргазмаларга бориш.
13. спорт мусобақаларини телевизорда кўриш, стадионларга бориш.
14. Физика ва математикага оид илмий-оммабоп китобларни ўқиш.
15. Химия соҳасидagi янгиликларни билиш.
16. адиотехника соҳаси бўйича журнал ва мақолаларни ўқиш.
17. Геологик топилмалар тўғрисида ўқиш.
18. Замонавий техника ютуқлари билан танишиш.
19. Адабиётшунослик, адабий танқидий мақолаларни ўқиш.
20. Ўқишга қийналаётган, орқада қолган ўртоқларингизга ёрдамлашиш.
21. Тарихий шахслар ва воқеалар тўғрисидаги китобларни ўқиш.
22. Одам анатомиясини ўрганиш.
23. Биология ва ботаникани ўрганиш.
24. Ўзингизга ёққан мақолалар, хабарларни тўплаш.
25. Мақом йўлидаги мусиқаларни тинглаш.
26. Спортга оид газета ва журналларни ўқиш.
27. Физика лаборатория машғулотлар ўтказиш.
28. Химиядан лаборатория машғулотларида тажрибилар ўтказиш, химия реакцияларини боришини кузатиш.
29. Бузилган электр ашёларини тузатиш.
30. Ҳар хил тош, минералларини тўплаш.
31. Ҳар хил бузуқмеханизмларни тузатиш.
32. Дўстлар билан хат ёзишиб туриш.
33. Укаларингиз ёки кичкинтой қўшниларингизга китоб ўқиб бериш, эртасангиз бериш, уларга нималарнидир ясашни ўргатиш.

34. Тарихий музйеларга бориш, археологик экспедицияларда иштрок этиш, тарихий маъданий обидалар билан таниш.
35. Кекса кишиларга ёрдамлашиш, уларга □ амхўрлик қилиш.
36. Ўсимликларни парвариш қилиш, уларни ўсиши ва ривожланишини кузатиш.
37. Тўғри келганда ўзингиз овқат таёрлашингиз.
38. Саҳнада чиқиш қилиш, қўшиқ айтиш, рол бажариш.
39. Спорт ўйинларида қатнашиши.
40. Расм чиқариш учун қоришма,реактивларини тайёрлаш.
41. Химия тўғаракларига қатнашиш, олимпиядакларда иштирок этиш.
42. Эски радиоприбор, захира қисмларини тўплаш, йиғиш.
43. Геграфик ва геологик экспедицияларда иштрок ээтиш, улар ҳақида ўқиш.
44. Сомалёт, кема ва бошқа аппаратларнинг моделини ясаш.
45. Чет тилини ўрганиш.
46. Кичик синфларга бориб, уларга ёрдамлашиш.
47. Тарихдан олимпиада, виктариналарда иштрок этиш.
48. Бемор кишиларга ёрдамлашиш.
49. Биология тўғарагига қатнашиш, олимпиадаларда иштрок этиш.
50. Одамларга ҳарил маиший хизмат қилиш (Сартарош, кимёвий тозалаш, гўзаллик салоида ва х.к. ишлаш).
51. Муסיқа ассбобларини чалиш, расм чизиш, ёки ёғоч ўймакорлиги.
52. Спорт секция ва мусобақаларида иштирок этиш.
53. Физика ёки математика олимпиадаларида иштирок этиш.
54. Химявий масалалар, тестларни ечиш.
55. Радиоаппаратура, магнитафон, телевизорларни қисимларга ажратиш, тўплаш.
56. Географик ва геологик контр карталарни ишлатиш.
57. Техник чизма(чеертеж) ва схемалар чизиш тархини ўрганиш.
58. Шеър ёзиш, кундалик юритиш.
59. Маърузалар билан йиғилиш ёки конференцияларда чиқиш қилиш.
60. Турли халқ ва давлатларнинг келиб чиқиши тарихини ўрганиш.
61. Табобат ҳақида китоб ва мақолаларни ўқиш.
62. Тирик табиатни кузатиш, ўсимликлар билан тажриибалар ўтказиш.
63. Танишларингиз, ўртоқлварингизга дўкондан кийм-кечак харид қилишга ёрдамлашиш.
64. Санъат ривож тарихи билан қизиқиш.

1.	2.	3.	4.	5.	6.	7.	8.	9.	10.	11.	12.	13.
14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39
40	41	42	43	44	45	46	47	48	49	50	51	52
53	54	55	56	57	58	59	60	61	62	63	64	65

“Касбий мойиллик” сўровномаси

Йўриқнома: Ўзингизни қайси касбга мойиллигингизни аниқлаш учун уч вариантдан бирини “а”, “б” ёки “в” ни танланг ва жавоб варақасида белгиланг.

1. Касбий фаолиятимда мен хоҳлардимки...

- А) ҳар хил одамлар билан мулоқатда бўлишни;
- Б) фильмларни суратга олиш, китоб ёзиш, расм чизиш, сахна кўринишларида ўйнашни ва ҳокозо;
- В) ҳисоб- китоб билан шуғулланиш, ҳужжат юритишни.

2. Китоб ва кинофильмда мени кўпроқ жалб қилади нарса, бу

- А) муалифнинг ҳаёлини кузатишнинг имконияти борлиги;
- Б) бадиий форма, ёзувчи ёки режиссёрнинг маҳорати;
- В) сюжет, қаҳрамонларнинг ҳаракати.

3. Мени кўпроқ қуйидаги йўналишларда ютуққа эришиш қувонтиради...

- А) жамоатчилик фаолиятим учун;
- Б) фан тараққиётида;
- В) санъат соҳасида.

4. Мен қуйидаги касбларни танлаган бўлар эдим...

- А) бош механик;
- Б) экспедиция бошлиғи;
- В) бош бухгалтер.

5. Инсон ва жамиятнинг келажагини қуйидагилар белгилайди...

- А) одамлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бир-бирини тушуниш ;
- Б) фанда янгилик яратиш;
- В) ишлаб чиқаришнинг ривожланиши.

6. Агар мен раҳбар бўлсам, унда мен биринчи ўринда эътиборимни қаратар эдим...

- А) аҳил, жипслашган жамоа тузиш;
- Б) ўқитишнинг янги технологиясини яратиш;
- В) ҳужжатлар билан ишлаш.

7. Техника кўргазмасида мени кўпроқ жалб қилади...

- А) экспонатларнинг ички қурилмаси;
- Б) улардан амалиётда фойдаланиш;
- В) экспонатларнинг ташқи кўриниши (рангли шакли).

8. Одамларда мен кўпроқ кадрлайман...

- А) дўстоналик ва кўнгилчанлик;
- Б) жасурлик ва чидамлилик;
- В) маъсулиятлилик ва саранжом-саришталик.

9. Бўш вақтимда мен хоҳлардимки...

- А) турли эксперимент ва тажрибалар ўтказишни;
- Б) шеър ёзиш, мусиқа ёзиш, расм чизишни;
- В) спорт билан шуғулланишни;

10. Чет эл саёҳатларида мени кўпроқ қизиқтиарадигани...

А) ўзга мамлакатнинг тарихи ва маданияти билан танишиш имконияти борлиги

Б) экстремал саёҳат (альпинизм, тоғ чанғиси)

В) бизнес ёки тадбиркорлик билан шуғулланиш имконияти борлиги

11. Менга қуйидаги мавзуларда суҳбатлашиш қизиқарлироқ...

А) одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар;

Б) янги илмий гипотеза (янги илмий қараш);

В) машина, компьютерларнинг янги моделлари.

12. Агар менинг мактабимда фақат учта тўғарак фаолият юритганда, мен танлардим...

А) техника;

Б) музика;

В) спорт.

13. Мактабда алоҳида эътибор қаратиш керак...

А) ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро муносабатларни яхшилашга;

Б) ўқувчиларнинг соғлигини қўллаб - қувватлаш, спорт билан шуғулланишга;

В) тартиб интизомни кучайтиришга.

14. Мен катта қизиқиш билан томоша қиламан...

А) илмий-оммабоп фильмларни;

Б) маданият ва санъат тўғрисидаги кўрсатувларни;

В) спорт кўрсатувларини.

15. Мен хоҳлардимки ишлашни...

А) болалар ва тенгдошларим билан;

Б) машина ва механизмлар билан;

В) табиат объектлари билан.

16. Мактаб биринчи навбатда...

А) инсонлар билан мулоқат қилишга ўргатиши;

Б) билим бериши;

В) фаолият кўникмаларига ўргатиши.

17. Ҳаётда асосий нарсаси - бу...

А) ижод билан шуғулланишга имконият бўлиши;

Б) соғлом ҳаёт тарзини олиб бориш имконияти;

В) ўз ишларининг аниқ режалаштириш имконияти.

18. Давлат биринчи ўринда ғамхўрлик қилиши керак...

А) фуқораларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида;

Б) фан ва техника соҳасидаги ютуқлар тўғрисида;

В) фуқароларнинг моддий манфаатдорлиги тўғрисида.

19. Менга кўпроқ ёқадиган дарслар...

А) меҳнат;

Б) жисмоний тарбия;

В) математика.

20. Менга кўпроқ қуйидаги фаолият билан шуғулланиш қизиқ бўлар эди...

А) маҳсулотларни тарқатиш;

Б) буюм ишлаб чиқариш;

В) маҳсулотларни ишлаб чиқаришни режалаштириш.

21. Мен қуйидаги мавзуларда мақолалар ўқишни ёқтираман...

- А) таниқли олимлар ва уларнинг яратган янгиликлари ҳақида;
- Б) қизиқарли кашфиётлар ҳақида;
- В) ёзувчилар, рассомлар ва мусқачиларнинг ҳаёт ва ижоди тўғрисида.

22. Бўш вақтимда мен ёқтираман...

- А) китоб ўқишни, фикрлашни, мулоҳаза юритишни;
- Б) бирор нарсани яшаш, тикиш, ҳайвонларни ва ўсимликларни парваришлашни;
- В) кўргазмаларга, концертларга, музейларга боришни.

23. Қуйидаги янгиликлар менда катта қизиқиш уйғотади...

- А) фан оламидаги янгиликлар;
- Б) бадий кўргазмалар ҳақидаги янгиликлар;
- В) иқтисодий вазият тўғрисидаги янгиликлар.

24. Мен ишлашни афзал кўрар эдим...

- А) одамлар кўп бўлган хонада;
- Б) оддий бўлмаган (ноанаънавий, экстремал) шароитларда;
- В) оддий хонада.

Натижалар таҳлили:

10-12 балл – ёрқин ифодаланган касбий мойиллик

7-9 балл - аниқ турдаги фаолиятга касбий мойиллик

4-6 балл- суст ифодаланган касбий мойиллик

0-3 балл- касбий мойиллик ифодаланмаган.

Олтига қатор-бу олтига фаолият тури. Ёнг кўп балл йиғган фаолият турларига эътибор беринг. Сизнинг танлаган касбингиз келиб чиққан натижалар билан тўғри келадими?

1 қатор – одамлар билан ишлашга мойиллик. Ёъни бошқарув, ўқитиш, тарбияллаш, хизмат кўрсатиш (маиший, тиббий, ахборот таҳлил) касбларга мойиллик. Бу гуруҳга доир инсонлар одамлар билан тил топиши олишлик, мулоқатлиги, уларни кайфиятини тушуна била олиши билимларга эгадирлар.

2 қатор – Кашфиётчилик (заковатли) касбларга мойиллик. Илмий алоқадор касблар. Махсус билимлардан ташқари бундай одамлар ўзининг рационалиги (ақлийлиги) мустақил фикрлаши, зехни ўткирлиги билан ажралиб туради.

3 қатор – Амалиёт ишларга мойиллик. Бу касб доираси жуда кенг: темир ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, таъмирлаш, электр ва механик жиҳозлари таъмирлаш, биноларни таъмирлаш, транспортни бошқариш, буюм ишлаб-чиқариш.

4 қатор – Ёстетик турдаги касбларга мойиллик. Ижодий характердаги касблар. Саҳна-актёрлик, бадий адабиёт, мусиқа, таъсвирий саънат фаолияти билан алоқадор. Ижодий касб одамларини махсус қобилиятларидан (мусикали, адабийли, актёрли) ташқари ўзининг оригиналлиги ва мустақиллиги билан ажралиб туради.

5 қатор – Ёкстремал турдаги фаолиятга мойиллик. Бу касбга спорт, саёҳат, экспедиторлик, кўриқлаш, тезкор қидирув фаолияти, ҳарбий хизмат

билан алоқадор касблар киради. Бу касбларнинг барчаси одамдан жисмоний тайёргарликни, соғлиқни, иродани талаб қилади.

6 қатор – иқтисодий режа фаолият турига мойил касб.

Бу касблар ҳисоб-китоб, режалаштириш (бухгалтер, иқтисодчи), иш юритувчилик, матн таҳлили (редактор, таржимон, лингвист), схематик объектлар тасвирчиси (чизмачи, топограф) киради. Бу касб инсондан тартиблиликни талаб қилади.

Жавоб варақаси

	I	II	III	IV	V	VI
1	а			б		в
2		а		б	в	
3	а	б		в		
4			а		б	в
5	а	б	в			
6	а	б				в
7		а	б	в		
8	а				б	в
9		а		б	в	
10				а	б	в
11	а	б	в			
12			а	б	в	
13	а				б	в
14		а		б	в	
15	а		б		в	
16	а		б			в
17				а	б	в
18	а	б	в			
19			а		б	в
20	а		б			в
21		а	б	в		
22		а	б	в		
23		а		б		в
24	а				б	в
Жами баллар						

Ҳурматли ўқувчи! Сиз қайси касбга мойиллигингиз борлигини билишни истайсизми?

Қизиқишлар соҳаси ва йўналишини аниқлашга қаратилган қуйидаги саволларнинг ҳар бирини ўқинг ва мумкин қадар аниқ жавоб беришга ҳаракат қилинг.

- Агар саволда сўралган мазмун, Сизга ҳар томонлама маъқул тушса ва жуда ёқса, унда жавоб варақасининг тегишли катакчасига иккита қўшув (++) белгисини қўясиз.
- Агар савол мазмуни шунчаки ёқса, унда битта қўшув (+), агар ёқиш-ёқмаслигини билмасангиз ёки иккилансангиз, унда ноль қўясиз.

- Агар савол мазмуни Сизга маъкул бўлмаса, айрув (-), агар жуда ёқмаса, яъни бу фаолиятни ёмон кўрсангиз, унда иккита (--) айрув белгисини қўясиз.

САВОЛНОМА

1. Ўсимликлар дунёсига оид маълумотларга қизиқиш.
2. Савдо шаҳобчаларида харидорларга керакли буюмларни танлашда ёрдам бериш
3. Иқтисодий географияни ўрганиш.
4. Шифокор, ҳамшира ва доришуносларнинг фаолияти билан танишиш.
5. Радиотехника тўғракларига қатнашиш ёки электр тармоқлари ҳақида маълумотларга эга бўлишга қизиқиш.
6. Физикадан тажрибалар ўтказиш.
7. Ҳар хил русмдаги транспорт воситаларини бошқариш.
8. Ҳарбийлар ҳаётига оид бадий, хужжатли фильмларни томоша қилиш.
9. Мамлакатимиз ва хориждаги сиёсий воқеаларни муҳокама этиш.
10. Ўртоқларингизга дарсларни бажаришда ёрдам бериш ва тушунтириш ишларини олиб бориш.
11. Одамларнинг хатти – ҳаракатлари ва одатда яширадиган баъзи бир хулқларини сабабларини аниқлаш ва ўрганиб чиқиш.
12. Чет тили тўғракларида шуғулланиш ёки чет тилидан қўшимча дарсларга қатнашиш.
13. Буюк инсонлар ролини сахнада ижро этиш.
14. Тонгги жисмоний тарбиядан бошлаш.
15. Ҳайвонларни парвариш қилиш, уларнинг ҳаёти билан қизиқиш.
16. Саёҳатчиларни шаҳарнинг тарихий обидалари, маданий ёдгорликлари ва диққатга сазовор жойлари билан таништириш.
17. Биржа янгиликлари билан танишиш
18. Беморларга ғамхўрлик қилиш, уларни парваришлаш.
19. Ҳозирги замонавий техника соҳасидаги ютуқлар билан танишиш.
20. Табиатда рўй берадиган физик ходисаларнинг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилиш.
21. Темир йўл транспортини бошқаришда йўловчилар ҳавфсизлигини таъминлаш.
22. Қатъий ўрнатилган тартиб бўйича яшаш, кун тартибига қатъий риоя қилиш.
23. Ўзбек ва жаҳон адабиёти классик асарларини ўқиш.
24. Кичик ёшдаги болалар учун қизиқарли ўйинлар, байрамлар ташкил этиш.
25. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.
26. Дўстлар билан чет тилида гаплашиш.
27. Буюк рассомлар ижоди билан танишиш.
28. Спорт мусобақаларида қатнашиш.
29. Дунё мамлакатлари географияси билан қизиқиш.
30. Соч турмаклашга, инсонларни ташқи кўринишларини ўзгартиришга қизиқиш.

31. Халқ хўжалигининг ривожланиши билан қизиқиш.
32. Шифохонада, поликлиникада ёки дорихонада ишлаш.
33. Турли механизмлар ва қурилмалар билан ишлаш.
34. Физикадаги янги кашфиётлар, буюк физикларнинг ҳаёти, ижоди ҳақида ўқиш.
35. Самолёт лайнерларини бошқаришга қизиқиш.
36. Ҳарбий катта тўқнашувлар ва жанглар тарихи билан танишиш.
37. Бошқа халқларнинг тарихи, ҳаёти ва яшаш тарзига қизиқиш.
38. Тарбиячилик, масалан сардорлик ишларини бажариш.
39. Ички ишлар ходимлари фаолияти ҳақида китоблар ўқиш, фильмларни кўриш.
40. Интернет орқали бошқа мамлакатлардаги тенгдошларинг билан мулоқатда бўлиш.
41. Машҳур мусиқачиларнинг ижодини кузатиб бориш.
42. Спортнинг бирор бир тури билан шуғулланиш.
43. Фойдали қазилма бойликлари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш ва табиат музейларига экскурсия қилиш.
44. Пойабзалларни таъмирлашга қизиқиш.
45. Товар ва пул бирликларини ҳисоблаш.
46. Одам анатомиясига оид дарсликлар, китобларни ўқиш.
47. Компьютерни созлаш ва таъмирлашга қизиқиш.
48. “Математик бошқотирмалар” ни ечишга қизиқиш.
49. Учувчи ва космонавтлар ҳақида китоблар ўқиш, фильмлар кўриш.
50. Ҳарбий техника билан танишиш.
51. Адабиёт ва тарих фанларидан олимпиадаларга қатнашиш.
52. Мактаб ҳаёти, тарбиячи ва ўқитувчилар ҳақида китоблар ва мақолалар ўқиш.
53. Синфдошлар ва тенгдошлар ўртасидаги можароларни ҳал қилишга ёрдам бериш.
54. Чет тилида газета, журналлар ўқиш.
55. Саҳнада ўзини эркин ҳис этиш.
56. Спортчилар ҳаёти ҳақида журналлар, газеталар ўқиш.
57. Биология, ботаника, зоология фанларини ўрганиш.
58. Савдо-сотиқ билан шуғулланишга қизиқиш.
59. Товарлар ва улар нархининг келиб чиқишини билиш.
60. Одам организми, касалликларининг пайдо бўлиш сабаблари ва даволаш усуллари ўрганишга қизиқиш.
61. Компьютер дастурларини яратиш.
62. Математика фанидан қийин масалаларни ечиш.
63. Машинасозлик соҳасига оид китоблар ўқиш.
64. Ҳарбийлар ҳақида газета ва журналлар ўқиш.
65. Ҳар хил халқлар ва мамлакатларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганиш.
66. Кичик ёшдаги болаларга қараш, уларга китоб ўқиб бериш, ҳар хил ҳикоялар гапириб бериш ёки бирон бир ишда уларга кўмаклашиш.
67. Дўстларнинг, танишларнинг ёки адабий қаҳрамонларнинг хатти – ҳаракатларини тўғри, ҳаққоний таҳлил этиш ва баҳолаш.

68. Чет тили курсларида ўқиш.
69. Драма ва ёш томошабинлар театрлари спектаклларига бориб туриш.
70. Футбол мусобақаларини мунтазам равишда томоша қилиш.
71. Табиат ҳодисалари, об- ҳаво ўзгаришларини кузатиб, ёзиб бориш.
72. Темир йўл транспортларида йўналиш кузатувчиси бўлиб ишлашга қизиқиш.
73. Бозор иқтисодиётини ўрганиш.
74. Ўсимлик ва гиёҳлар турларини ўрганиш.
75. Ҳозирги замонавий техника соҳасидаги ютуқлар билан танишиш
76. Математика фани тўғрарига қатнашиш.
77. Поездларни бошқаришга қизиқиш.
78. Ҳарбий билим юртида ўқиш.
79. Адабиёт фанидан иншолар ёзиш.
80. Тарбияси оғир болаларга тарбиявий таъсир кўрсатиш, болалар ва ўсмирлар тарбияси масалаларини катталар билан муҳокама қилиш.
81. Тенгдошлар ва кичик болалар орасида тартиб ва мунтазам интизом ўрнатиш.
82. Чет тилида фильмлар томоша қилиш.
83. Рақс тўғаракларига қатнашиш.
84. Жисмоний тарбия ўқитувчиси ёки тренер бўлиш.

Жавоб варақаси

№	I	II	III	IV	V	VI
1	1	15	29	43	57	71
2	2	16	30	44	58	72
3	3	17	31	45	59	73
4	4	18	32	46	60	74
5	5	19	33	47	61	75
6	6	20	34	48	62	76
7	7	21	35	49	63	77
8	8	22	36	50	64	78
9	9	23	37	51	65	79
10	10	24	38	52	66	80
11	11	25	39	53	67	81
12	12	26	40	54	68	82
13	13	27	41	55	69	83
14	14	28	42	56	70	84
Ж:						

1. Табиий фанлар
2. Савдо ва хизмат кўрсатиш
3. Иқтисод ва бизнес
4. Соғлиқни сақлаш
5. Техника
6. Аниқ фанлар
7. Транспорт

8. Ҳарбий соҳа
9. Ижтимоий гуманитар
10. Таълим
11. Ҳуқуқшунослик
12. Хорижий филология
13. Санъат
14. Спорт

Хулоса

Ахлоқ-одоб - бу жамиятда, кишилар уртасида кундалик турмушда зарур бўлган хатти-харакатлар, урф-одатлар нормалари, қоидаларидир. Барча норма ва қоидаларини кишилар томонидан адо этилишини назорат этиш ва тартибга солиш ижтимоий, юридик асосда таъминланади. Ахлоқ - одоб қоидалари ва нормалари ҳар бир халқнинг қадриятларида муҳим урин эгалайди. Унда уша халқнинг турмуш тарзи маданий савияси, анъаналари гуруҳи, дини ифодаланади, акс этади. Шунинг учун ахлоқ-одоб қоидалари ва нормалари уша халқнинг битмас тугалмас маънавий бойлиги ҳисобланади ва

миллат даражасида шаклланганлик даражаси деб каралади. Бугунги кунда ешларни юксак маънавий гоя ва миллий урф одат, анъаналар асосида тарбиялаш долзарб малалага айланган. Юксак маънавий гоя ва урф-одатлар кулами нихоятда кенг ва серкирра булиб,улардан энг мухимлари: иймонлилик,ватанни севиш, инсонпарварлик, дустлик, уртоклик, биродарлик, онгли интизом, ижтимоий фаоллик, халол меҳнат, оила, давлат ва жамият олдидаги бурчни англаш, тинч тотув яшаш учун курашиш, хурфикрлилик кабилар.

Мақтаб укувчиларини куйидаги интизом нормаларига куниктириш керак:

1. Кабул килинган интизом коидаларига укишда,меҳнатда, буш вақтларида риоя килишга эҳтиёж сезиш;
2. Уз-узини назорат килиш ва уз хулқини идора килиш;
3. Жамоада тартиб бузаетган, интизомсизлик килаетган болаларга карши фаол курашиш.

Интизом асосида онг етади, уни ирода бошкаради. Онгли интизомни таъминлайдиган катъийлик, ташаббускорлик, мустакиллик, узини тутта билиш, уюшқоклик иродавий сифатлардир. Онгли интизом виждон ва ростгуйлик билан боглик.

Меҳнат таълими дарсларида касбий ахлокий меъёрларни шакллантиришдан олдин укувчиларни касб-хунарга кизикишини аниклаш, касбга мойиллиги саволномалар, тест синовлари оркали аниқлаб олиш ва улар танлаган касблар буйича тулалигича маълумаотлар бериш мақсадга мувофиқдир. Факат меҳнат таълими дарсларида эмас балки тарбиявий соатларда (одобнома) дарсларида, меҳнат илгорлари, илм-фан ходимлари, меҳнат ва уруш фахрийлари, куп болалали оналар, иймонли кариялар, хожилар учрашувларини уюштириб бориш, шарк кадрийтлари ва миллий анъаналари акс этган Куръони Карим, Хадис, Кайковуснинг "Кобуснома", Юсух Хос Хожибнинг "Кутадгу Билиг", Носир Хисравнинг "Саодатнома", Ибн Синонинг "Донишнома", Саддийнинг "Гулистон", "Бустон", А.Навоийнинг "Махбубул кулуб", Бобурнинг "Бобурнома", А.Авлонийнинг

"Туркий гулистон ехуд ахлоқ", шунингдек, Хамза, Фитрат, М.Исмоилий, Х.Тухтабоев асарларини уқиб урганишлари уқувчиларнинг келажакдаги касб эгалари бўлишларида муҳим урин тутиши ургатилиши лозим.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И. А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни. 1997й.- 48б.
2. Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-т. – Т.: Ўзбекстон. 1999й.-440б.
3. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-т. -Т.: Ўзбекистон. 2000й.-528б.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод– Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ нашриёт– матбаа концерни, 1998. 63 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29-октябрдаги 473-сонли қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 321-сонли қарори
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июнги «Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида» 109-сонли қарори
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 декабрдаги «Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 307-сон қарори
11. Умумтаълим муассасалари битирувчиларини академик лицейларга қабул қилиш тўғрисида НИЗОМ
12. Умумий ўрта таълим мактаблари 9-синфлари битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига изчил ўтказиш тўғрисида Низом
13. K.Davlatov. Mexnat va kasb ta'limi, tarbiyasi xamda kasb tanlash nazariyasiva metodikasi. Toshkent, "O'qituvchi" 1992 yil.
14. Muslimov N.A., Mullaxmetov R.G. Kasb tanlashga yo'llash. O'quv qo'llanma. –Toshkent: O'zROO'MTV, 2007.
15. Sharipov Sh.S., Muslimov N.A. Texnik ijodkorlik va dizayn. Toshkent-2011.
16. Boltaboev S.A. Tolipov U. Umumiy o'rta ta'lim maktablari kasbga yo'naltirish o'quv-metodika kabineti faoliyatini tashkil qilish bo'yicha metodik tavsiyanoma. -Toshkent 2000.

14. Tolipov O'.Q., SHaripov Sh.S., Xolmatov P.Q. Darsdan tashqari mashg'ulotlar jarayonida o'quvchilarni kasb-hunarga yo'llash texnologiyasi. – Toshkent: O'zPFITI. 2004. 32 b.
15. A. Jalolov. Kasb kanday tanlanadi. Toshkent “Yangi asr avlodi” 2010 yil.
16. Sh.Sharipov, R.Shonazarov. Kasb tanlashga yo'llash fanidan metodik qo'llanma. Toshkent – 2007
17. Мағзумов П. Т. Ва бошқ. Ўқитувчиларни меҳнатга ва касбга танлашга тайёрлаш. –Т.: Ўқитувчи. 1991й.
18. Мамажонов А. Касбий маслаҳат турлари ва ўтказиш усуллари. Ж. Мактаб ва ҳаёт-2004-№1.
19. Мамажонов А. Ўқувчиларда касб маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ва педагогик муаммолари. Ж. Мактаб ва ҳаёт-2004-№3.
20. Мамажонов А. Шахс касб маданиятининг таркиби, кўрсаткичлари ва белгиларининг асосланиши. Ж. Мактаб ва ҳаёт-2004-№5.
21. Фаробий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Мерос. 1993й.
22. Ходжаев Ш.А. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда ижтимоий-психологик тренингларнинг ўрни. Ж. Мактаб ва ҳаёт-2004-№4.
23. Худойназаров Т.А. Шарқ алломаларининг ёшларни касб-хунарга йўналтириш тўғрисидаги мулоҳазаларининг бугунги кундаги ўрни. Ж. Мактаб ва ҳаёт-2004-№2.
24. Чередников М.Г. Касбга йўналтиришнинг ахборот технологияси. Ж. Мактаб ва ҳаёт-2004-№2.
25. Чистякова С. Н. Профессиональная ориентации школьников: организация и управление. –М.: Знание. 1987г.
26. Шарипов Ш. Шахсни касбий-ижодий ривожлантириш технологиясининг ўзига хос хусусиятлари. Ж. Мактаб ва ҳаёт-2005-№8.
27. Ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар Таснифлагичи. –Т.: Chinor ENK. 2000й.
28. Ўқувчиларнинг қизиқиш ва мойилликлари диагностикаси методик тавсияномалар. –Т.: РЎММ. 2001й.

29. Қодиров Б. О. Ўзбек халқ педагогикасининг шаклланиши. –Т.: Фан. 1992й.
30. Ғофуров Ж. Ўқувчиларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига йўналтиришда ҳамкорлик. Ж. Мактаб ва ҳаёт-2005-№3.
31. Ҳайдаров М. Ўқувчилар меҳнат тарбиясида халқ анъаналаридан фойдаланиш Халқ таълими тизимида бошланғич синф ўқувчиларининг янги авлодини тайёрлаш муаммолари. –Т.: Низомий номидаги ТДПИ. 1996й.
32. Ҳасанов С. Мутафаккирлар меҳнат тарбияси ҳақида. –Т.: Ўқитувчи. 1993й.
33. Ҳошимов К. ва бошқ.. Педагогика тарихи. –Т.: Ўқитувчи. 1996й.
34. Юлдашев А.В., Эшманова Ж.Т., Бозорбоева А.Р. Ўқувчиларни касб-ҳунар танлашида ишлаб чиқаришнинг роли. Ж. Мактаб ва ҳаёт-2004-№8.
35. Куръони Карим. Чулпон. Тошкент 1992 йил.
36. Ахлок одобга оид ҳадис намуналари Тошкент . фан . 1990 й.
37. Ҳадис 1-11-111- 1991,1992 й.
38. Аждодлар уғити. Б.Ахмедов. Тошкент. Чулпон 1991 й.
39. А.Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлок » Т. 1992 й
40. Амир Темур уғитлари .Т.Навруз 1992 й.
41. Буриев О. «Маънавият султони» Т. Укитув. 1997 й.
42. Ибрахилов А ва бошқа «Ватан туйғуси» Т. 1998 йил.
43. Кайковус «Кобуснома» Т. Укит. 1991 й.
- 44.** Навоий А. «Махбуб ул кулуб» Тош. 1983 й